Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 227 (20. 494) • 1989 йил 30 сентябрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

УКРАИНА КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Киев, 28 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди, унда ташкилий масала муҳокама қилинди.

Пленум В. В. Шчербицкий пенсияга чиқиши тўғрисида ариза берганлиги муносабати билан уни Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоси вазифаларидан озод қилди. Республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун В. В. Шчербицкийга миннатдорчилик изҳор этилди.

Пленумда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига номзодлар батафсил муҳокама қилинганидан кейин яширин овоз бериш учун рўйхатга Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. И. Гуренко билан Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Ивашко номзодлари киритилди.

Яширин овоз бериш йўли билан В. А. Ивашко Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди. Область партия ташкилотларида коммунистларнинг фикри ҳам овоз бериш якунларида ўз ифодасини топди. Пленум арафасида область, шаҳар партия ташкилотларида ҳам Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига номзодлар кўрсатилиб, кенг муҳокама қилинди, бунда В. А. Ивашко номзоди ҳаммадан кўра кўпроқ қўллаб-қувватланди.

Пленум қатнашчилари ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади. (Нутқ эълон қилинади).

Шу куни М. С. Горбачев Москвага қайтиб келди.

(ТАСС).

САВОЛЛАРГА БИР ХИЛ ЖАВОБ ЙЎҚ

СССР Олий Советининг комитетлари ва комиссияларида

28 сентябрда СССР давлат ҳокимияти олий органининг комитетлари ва комиссияларида мунозаралар давом этди. Халқ депутатлари СССР Олий Советининг иккинчи сессияси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Агар мамлакатда бир марта ишлатиладиган шприцлар етишмаса, соғлиқни сақлаш министри истеъфога чиқиши керакми? Агар шундай шприцларни ишлаб чиқариш учун берилган давлат буюртмасининг ярмига яқини бажарилмаган бўлсачи, бунинг учун ким жавоб беради — министрми ёки шу муҳим топшириқни уддалай олмаган корхонами? Бундай саволларга бир хил жавоб қайтариб бўлмайди, аммо ҳаёт шундай саволларни қатъий қилиб қўймоқда. Бу саволларга жавоб қайтарилиши зарур — айбдорни топиб жазолаш учун эмас, балки ҳар бир ишчи, завод, тармоқ, бутун халқ хўжалигимиз аниқ ва пухта ишлай оладиган шароитни яратиш учун шундай қилиш керак. Зеро, биз қандай ишласак, бизни шундай даволайдилар.

СССР Олий Советининг халқ соғлиғини сақлаш комитети мажлисида СССР Госплани, Молия министрлиги ва Соғлиқни сақлаш министрлигининг вакиллари соғлиқни сақлаш соҳасидаги аҳволга рўй-рост баҳо бердилар. Комитет аъзоларининг фикрига кўра, ана шу ҳаётий муҳим соҳага бюджетдан ажратиш кўзда тутилган 26,7 миллиард сўм маблағ уларни асло қониқтирмади.

Медицина хизмати соҳасидаги аҳволни тубдан ўзгартириш учун, деди комитет раиси **Ю. И. Бородин** ТАСС мухбири билан суҳбатда, бизга 80 миллиард сўм керак. Биз мамлакатимизнинг ҳозирги мураккаб иқтисодий аҳволи шароитида бунча маблағни топишнинг иложи йўқлигини жуда яхши тушунсак ҳам, ҳар ҳолда 90-йилда соғлиқни сақлашга ажратилган маблағга 3-5 миллиард сўм қўшилишини қаттиқ талаб қиламиз.

Медиклар чет эллардан дори-дармон харид қилиш учун 500 миллион сўм ҳорижий валюта ажратилгани учун ҳукуматдан миннатдордирлар, деди гапга аралашиб комитет аъзоси **Н. Н. Прибылова.** 440 миллион сўмлик дори-дармон учун ҳозирнинг ўзидаёқ шартнома тузилди. Бироқ мамлакатимиздаги фармацевтика корхоналари ва уларга ёндаш корхоналарнинг имиллаши депутатларни жуда ташвишга солмоқда. Масалан, министр Е. И. Чазовнинг айтишича, аспирин ишлаб чиқариш учун унга керакли моддалардан бири гарчи илгари ўз мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бўлса ҳам, энди уни валютага харид қилишга тўғри келди.

Медицина асбоб-ускуналарининг ҳолати ҳам яхши эмас, — дейди халқ депутати **Р. Пирназаров.** Биз Туркманистонда профессор С. Н. Федоров клиникасидаги асбоб-ускуналарни фақат орзу қила оламиз. Ўзимиз бўлсак, муболаға билан айтганда, болта билан операция қиляпмиз.

Халқ таълимига қанча пул зарур? Унинг ҳозирги эҳтиёжлари, уни ривожлантириш манфаатлари талаб қилган миқдорда пул керак. Бу — орзу қилинган мақсад. Амалда эса, маблағ етишмай турган бир пайтда, давлат камроқ маблағ беради.

СССР Олий Советининг Фан, халқ таълими, маданият ва тарбия комитети мажлисида СССР халқ таълими давлат комитетининг раиси **Г. А. Ягодин** шу ҳақда гапириб, келгуси йилги Давлат бюджети тўғрисидаги докладда таълим бюджети «Таълим олдида турган вазифаларга, уни ривожлантириш концепциясига мувофиқ қилиниши зарур бўлган ишларга асосланиб» планлаштирилмоқда, деган даъвога қўшилмаслигини айтди. Унинг сўзларига қараганда, аслида бундай эмас.

Ушбу сессиянинг кун тартибида мамлакатнинг экологик соғломлигига оид энг зарур тадбирлар сўнгги банд қилиб белгиланган. Бу нарса мазкур масаланинг энг охирида кўриб чиқилишини билдирмайди, деб тахмин қилишга журъат этамиз. Бироқ депутатлар орасида: ажратилган муҳлатда бутун кун тартибини кўриб чиқишга улгуриб бўлмаса керак, баъзи масалаларни кўкламга қолдиришга тўғри келар, деган тахмин ҳам айтилди. Бу нарса **СССР Олий Советининг Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитетида** мамлакатнинг келгуси йилга мўлжалланган плани ва бюджети лойиҳалари кўрсаткичларини муҳокама қилишнинг руҳи ва суръатига таъсир қилмай қолмади, чоғи. Депутатлар шу ҳужжатларни таҳлил этганларида, уларнинг фикрича, планли тартибда ҳал этилиши лозим бўлган табиатни муҳофаза қилишга оид энг зарур муаммоларга эътиборни қаратмоқдалар.

Бугун СССР табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари **П. И. Полетаев** доклади жўшқин муҳокама қилинганлигининг сабаби ҳам мана шунда. Яқиндагина тузилган ва аслида ҳали ўз вазифаларини аниқ белгилаб олмаган ҳукумат табиатни муҳофаза қилиш маҳкамасининг вакили бўлган нотиқнинг ўзи бунга сабаб бўлди, дейиш мумкин.

СССР Олий Советининг Гражданларнинг айрим категориялари фойдаланадиган имтиёзларни кўриб чиқиш комиссияси дастлабки натижаларга эришди. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги тўртинчи бош бошқармасининг болалар поликлиникаси депутатларнинг тавсияси билан умумий фойдаланиш учун берилади. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод **Е. М. Примаков** шуни маълум қилди.

Мажлисда комиссиянинг ишини бир қанча соҳалар: соғлиқни сақлаш, санаторий-курорт таъминоти, савдо, транспорт, маиший хизмат, маданият, уй-жой ва пенсия таъминоти соҳалари бўйича уюштиришга қарор қилинди. Шу соҳалар бўйича кичик комиссиялар тузилди. Улар маълумот йиғиш ва таҳлил этиш билан шуғулланади.

СССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг бугунги мажлисида матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Унда цензурани бекор қилиш, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, улар бирлашмалари ва айрим гражданларнинг оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи кўзда тутилади. Лойиҳани парламентнинг уч комитети вакилларидан иборат ишчи группаси тайёрлаган. Ошкоралик ва гражданларнинг ҳуқуқлари, шикоят ва ариза-лари масалалари комитети раисининг ўринбосари **Б. Н. Никольский**нинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси демократиялашни, ошкоралиқни чуқурлаштиришга, социалистик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришга қўшилган муҳим ҳиссадир. Айни вақтда мажлисда ҳужжатнинг ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан мукаммал эмаслиги тўғрисидаги фикр ҳам айтилди. Масалан, депутат **А. А. Собчак** қонуннинг асосий мазмунига тўла-тўкис қўшилиб, унинг айрим таърифлари хусусида бир қанча мулоҳазалар айтди.

С. Б. Станкевич лойиҳада мамлакатдаги ҳозирги вазият реалликларини дурустроқ эътиборга олиб, унга, жумладан, халқ депутатлари Советлари таъсис этадиган матбуот органлари тўғрисидаги қоидани киритишни таклиф қилди. **А. Е. Себенцов** қонун лойиҳасини ҳаддан ташқари муфассаллаштириш ва унга ёндош соҳаларни киритиш ҳужжатни ёмонлаштиради, деб ҳисоблаб, ўзидан аввалги нотиқнинг фикрига қўшилмади.

Лойиҳани жамоатчиликнинг кенгроқ танишуви учун «Советская культура» газетасида ва «Журналист» журналида дастлабки тарзда эълон қилишни таклиф этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ихтилофларга сабаб бўлган таърифлар узил-кесил ишлаб чиқилгач, қонун лойиҳасини, агар сессия ишининг тиғиз графиги имкон берса, биринчи бор муҳокама қилиш учун Олий Совет сессиясига тақдим қилишга қарор берилди.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг мажлисида бугун муҳокама қилинган бошқа бир ҳуқуқий ҳужжат — коллектив меҳнат низолари (можаролари)ни ҳал этиш таркиби тўғрисидаги қонун лойиҳаси ёзги сессияда Олий Советда биринчи бор муҳокама қилинган эди. Шундан кейин Иттифоқ Советининг Меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияси барча манфаатдор депутатлар иштирокида унга бир қанча ўзгартишлар киритди.

Бугун совет парламенти палаталарининг мажлислар залида бўлиб ўтган ўткир мунозаранинг марказида: ҳукумат тақдим этган СССРнинг 1990 йилги бюджети совет иқтисодиётидаги салбий тенденциялар кучайиб боришини тўхтатиб қола оладими, деган масала турди. **Мунозарада Иттифоқ Совети План ва бюджет-молия комиссия**сининг аъзолари, СССР Олий Советининг иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи бошқа доимий органлари вакиллари қатнашдилар.

СССР молия министрининг биринчи ўринбосари **В. Г. Пансков** мамлакат ҳукумати томонидан парламентга тақдим этилган бюджет лойиҳасининг асосий нисбатларини асослаб берди.

Министрнинг биринчи ўринбосари давлатнинг харажатларини камайтиришни бюджет камомадини қисқартиришнинг энг амалий йўли, деб атади. Капитал ишларга ва мудофаага бўлаётган харажатларни қисқартириш йўли билангина 28,4 миллиард сўмни тежашга муваффақ бўлинди, деб таъкидлади у. Дизель ёнилғисининг нархини 2,3 баравар ошириб, унинг энг оммавий истеъмолчиларига бунинг эвазига ҳақ тўлашга ўтиш туфайли бюджет яна 3 миллиард сўм олади.

Депутатларнинг жуда хилма-хил саволларига В. Г. Пансков икки соатдан кўпроқ вақт давомида жавоб қайтарди. Унинг кўпдан-кўп рақамлар билан тасдиқланган батафсил жавоблари барибир кўпгина парламент аъзоларини тўла-тўкис қониқтирмади. Чунончи, депутат **А. Корловнинг** фикрича, бюджет лойиҳаси таваккалчилик тусида тузилган. Ижтимоий соҳага ажратилган ҳамма маблағ тўла-тўкис ўзлаштирилишига ҳозирча кафолат йўқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг нархидаги тафовутни қоплаш учун жуда катта — юз миллиард сўм дотация берилиши ҳам депутатни ташвишлантиради. Агросаноат комплексига қўшимча маблағ беришни кўпайтириш йўлидан бормай, балки шу маблағларнинг самарадорлигига асосий эътибор берилиши керак, деб ҳисоблайди **А. К. Орлов.**

СССР Олий Советининг Иқтисодий ислоҳот масалалари комитетида ҳам ўткир мунозара бошланиб кетди. Бу ердаги депутатлар СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар.

Таниқли иқтисодчи олим **В. А. Тихонов** ҳукумат тақдим этган қонун лойиҳасини қаттиқ танқид қилди. Аввало, ер ислоҳоти сари изчиллик билан бориш керакми ёки янги тушунчаларни эски нормаларга шунчаки мослаштириб қўя қолиш керакми, деган асосий масалани ҳал қилиш зарур, деб таъкидлади депутат.

Репортажни ТАССнинг парламентдаги мухбирлари В. БЕЗБРЕЖНИЙ, С. ВОЗИАНОВ, А. ДЗЮБЛО, С. ЖАРКОВ, В. ИСАЧЕНКОВ, В. КИССА олиб бордилар.

МАНФААТДОРЛИК ОШСА— ХИРМОН ЮКСАЛАДИ

Суратга суратъ қўшиб...

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Топширилаётган хом ашёга қўшимча ҳақ тўлаш ҳақидаги қарордан илҳомланган Бекобод районидаги А. Мавлонов номли совхоз деҳқонлари терим суратини тобора оширмоқдалар. Улар «оқ олтин»нинг бир миқдорини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олишни мақсад қилишган. Умуман, хўжалик бўйича 2200 гектар майдонда пахта етиштирилди. Коллектив ишчилари она-Ватанга 5405 тонна «оқ олтин» сотишни мўлжаллашган. Шу мақсадда далада қирқта «зангори кема», 100 та тележка баракали ишлаб турибди. Дала гвардиячиларининг ниятн — ҳар бир машина билан 100 тоннадан пахта териш.

Айниқса, коммунист механизатор Алибек Қўшмонов етакчилигидаги пахтачилик звеноси коллективи сезиларли ютуқларга эришмоқда. Коллектив пудрат асосида ишлаётган звенода 16 киши ишлайди. Улар бу йил 52 гектар ерда деҳқончилик қилишди. Бутун ёз бўйи қилинган баракали меҳнат ўз самарасини берди. Далаларда мўл ҳосил етилди. Айни кунларда пудратчилар терим суратига суратъ қўшиб ғалаба манзилини яқинлаштиришмоқда.

Суратда: илғор звено бошлиғи А. Қўшмонов.

А. МАЛЬЦЕВ суратн.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

— Мамлакат ҳукуматининг терилган пахта учун қўшимча ҳақ жорий этиш тўғрисидаги қарори деҳқонлар фаоллигини рағбатлантириб юборди, — деди Наманган районидаги «Ленинград» колхози партия комитетининг секретари А. Каримов. — Илгари теримдан баъзи бировлар ўзини олиб қочган бўлса, ҳозир далага чиқишни истаётганлар жуда кўп. Бу тушунарлидир: қанчадан-қанча қишлоқ меҳнатчилари ўзларининг моддий аҳволларини ўнглаб олишлари мумкин. Биргина бизнинг колхозимизда 450—500 минг сўм қўшимча даромад олиниши кутилмоқда.

СССР Министрлар Советининг пахта учун қўшимча ҳақ жорий этиш тўғрисидаги қарорини область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Мирзааҳмедов бундай шарҳлади:

— Қабул қилинган қарорга мувофиқ, терилган пахта учун қўшимча ҳақ тўлаш тасдиқланди ва хўжаликларга етказилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу тадбир ҳаммаси бўлиб таҳминан 29 миллион сўмгача даромад келтиради. Шундан 19 миллион сўми теримчилар ва механизаторларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланади.

(ЎзТАГ).

• Долзарб мавзуда суҳбат

«ПАХТАГА ҚЎШИМЧА ҲАҚ—СОВҒА ЭМАС, УНИ ИШЛАБ ТОПИШ КЕРАК»

Республика Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари Р. А. ГИНИЯТУЛЛИН ЎзТАГ мухбирига терилган пахта учун қўшимча ҳақни тақсимлаш тартиби тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

— Рим Абдулович, пахтанинг харид нархини оширши зарурлиги тўғрисида Ўзбекистонда кўпдан буён катта-ю кичик гапирмоқда. Шунга қарамай, 1991 йилда нарх белгилашни ислоҳ қилишга қадар бу муаммо ҳал этилмайдигандек туюлган эди. Бунинг устига мамлакатимизнинг молия-иқтисодий аҳволи ҳозир жуда кескинлашган. Шунга қарамай, ҳукумат пахтакорлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун қўшимча маблағ ажратмоқда. Бунга қандай эришилди!

— Ҳақиқатан ҳам, республикада пахтазорларда қилинган меҳнатга кам ҳақ тўланаётгани ҳақида кўп йиллардан буён мунозара давом этмоқда. Аммо айни бир пайтда катта иш олиб борилди. Республика партия ташкилоти ва Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари мамлакатнинг идора этувчи органларида пахта нархини ошириш зарурлигини мунтазам асослаб келдилар.

Кўриб турибсизки, бу ишлар беҳуда кетмади. КПСС Марказий Комитетини ҳам, СССР Министрлар Советини ҳам пахта нархини ошириш зарурлигига ишонтира олдик. Бу йилги ҳосил харид нархларига қўшимча тўлов белгиланди. Келаси йилдан бошлаб бу тўловлар анча ортади.

Умуман пахта харид нархларига устама жорий этилиши 1989 ва 1990 йилларда қўшимча равишда 1,2 миллиард сўмгача даромад олиш имконини беради. Қиёслаш учун келтириб ўтаман: республика Давлат агросаноат комитети системасининг йиллик фойдаси саноатни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 1,1 миллиард сўмга яқинлашади.

— Бундай қарор қабул қилишга асосий сабаб нима бўлди, устама ҳақ миқдорини белгилашда нимага асосландилар?

— Бу ўринда бир неча омиллар ҳисобга олинди.

Биринчидан, шундай аҳвол юз бердики, пахтакорлар меҳнатига тўланадиган ҳақ қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ана шундай кўрсаткичлардан анча паст бўлиб чиқди. Деҳқончиликка доир маълумотларни кўриб чиқайлик. Ҳозир дон экинларини етиштиришда бир киши-соатга меҳнат ҳақи 1 сўм 41 тийинни, қанд лавлаги етиштиришда 1 сўм 57 тийинни, чой барги етиштиришда 1 сўм 66 тийинни ташкил этади. Зиғир йиғиштириш учун эса бундан ҳам кўпроқ ҳақ тўланади. Пахта далаларида қилинган бир соат меҳнат учун эса кўпи билан 1 сўм 10 тийин тўланади, баъзан эса 1 сўмга ҳам етмайди.

Натижада пахтакорларнинг, умуман республика қишлоқ меҳнаткашларининг иш ҳақи бошқа регионлардаги деҳқонлар иш ҳақидан анча кам бўлмоқда. Умуман мамлакатимизда қишлоқда ўртача ойлик 200 сўмга етаяпти, бизда эса бу кўрсаткич ҳозир 150 сўмга етмайди. Хом ашё учун устама ҳақ жорий этилиши ана шу адолатсизликни бироз ўнглаши лозим.

Иккинчидан, бизда қишлоқда социал соҳа яхши ривожланмаган. Мактаблар, болалар боғчалари, медицина муассасаларининг анчагина қисми хўжаликлар ҳисобига қурилаётгани сир эмас. Бадавлат хўжаликлар бундай муассасаларни қуришлари мумкин, бошқалар эса қура олмайдилар.

Бу ҳам пахта нархининг пастлиги билан боғлиқ, пахта эса республикамизда етиштириладиган асосий техника экинидир. Ҳозир республикадаги ҳайдаладиган ерларнинг тахминан ярмида пахта етиштирилаётган бўлса ҳам, хўжаликларнинг пул даромадининг 75 процентгача қисми пахтачиликдан келади. Социал ва ишлаб чиқариш объектлари қурилиши учун сарф-харажатларнинг ўндан тўққиз қисми ҳам пахтани сотишдан олинган пул ҳисобига бўлади. Шунга қарамай колхозлар ва совхозларнинг пахта сотишдан олаётган даромадлари етарли эмас. Шу сабабли хўжаликлар олган қўшимча маблағнинг камида учдан бир қисмини ижтимоий-маданий-маиший соҳани ривожлантиришга сарфлашни тавсия этамиз.

Учинчидан, пахта етиштириш учун кўп меҳнат ва маблағ сарфлашга тўғри келади. Лекин харид нархларида бу харажатлар яхши ҳисобга олинмаган, бинобарин, харажатлар тўла қопланмайди. Бу эса хавфлидир. Чунки биринчи навбатда ернинг кучи кетмоқда, ер унумдорлигини ошириш учун эса маблағ йўқ. Деҳқончилик маданиятини ошириш учун хўжаликларнинг пули йўқ. Шу сабабли республиканинг кўпгина регионларида ҳайдаладиган ерлар ҳозир оғир аҳволда, ернинг сўнгги кучини олиб қўймоқдамиз.

Қуйидаги фактлар ҳам шундан далолат бермоқда: Ўзбекистонда бошқа пахта етиштирувчи мамлакатларга нисбатан ҳар гектар ер ҳисобидан энг кўп тола олинмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда анча паст. Демак, аҳвол бирмунча яхши, лекин таёқнинг икки учи бор, дейдилар. Демак, биз ер имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланяпмиз, унинг ширасини сўриб оляпмиз. Ерни унумдор қилиш учун эса маблағ етишмаяпти.

Эндиликда хўжаликлар ишлаб топилган қўшимча пулни тўғри тасарруф этиб, унинг бир қисмини экинзорларни «даволашга» сарфлайдилар, деб умид қиламиз.

— Биз асосий масалага келдик: бу пулни тақсимлаш ва устама ҳақ миқдори масаласидир. Меҳнатчилар ҳозир нимани билишлари керак!

Биринчи навбатда биз ҳаммамиз устама ҳақ осмондан тушган совға эмас, балки уни ишлаб топиш кераклигини тушуниб олишимиз лозим. Биз ўша 1 миллиард 200 минг сўмни ишлаб топишимиз ҳам, ишлаб тополмаслигимиз ҳам мумкин. Бу пул счетда бор, лекин биз терилган пахта миқдори ва сифати жиҳатидан шартни бажарсак, шу пул бизники бўлади. Агар шартни бажара олмасак, бу пулни бизга ҳеч ким тўламайди. Бу эса адолатли ишдир.

Яхши ишлаб, яхши пул топиш имконияти вужудга келаётгани эса бошқа гап. Даромад миқдори фақат терилган пахта миқдорига эмас, унинг сифатига ҳам боғлиқ бўлади. Буни аниқ бир мисолда тушунтириб бераман.

Хўжалик йиғиштириб олган пахтанинг умумий ҳажмида биринчи ва иккинчи сорт пахта 70 процентга етди, дейлик. Ўртача тола берувчи навлар учун бу ўртача кўрсаткич бўлиб, республикамизда бундай навлар салкам 90 процентни ташкил этади. Ана шундай пахтанинг ҳар тоннасига бу йил 90 сўм устама ҳақ белгиланган. Яна 10—15 процент учинчи сорт пахта топширилади, бундай пахтанинг ҳар тоннасига қўшимча 60 сўм берилади. Қолган пахта тўртинчи сортга топширилади. Бундай нисбатда хўжалик ўзи топширган ҳар тонна пахта учун қўшимча равишда ўртача 65 сўм олади.

Агар пахтакорлар биринчи ва иккинчи сорт пахта салмоғини 85—90 процентга етказсалар (бу уддалаш мумкин бўлган вазифа), у ҳолда ҳар тонна пахта учун олинган қўшимча ҳақ 80—85 сўмни ташкил этади.

Келгуси йили тағин ҳам кўпроқ пул ишлаш мумкин. Чунки биринчи ва иккинчи нав пахтанинг ҳар тоннаси учун 210 сўм, учинчи нав пахтанинг ҳар тоннаси учун 120 сўм устама ҳақ берилади. Хуллас келаси йил кузида хўжаликлар ҳар тонна пахта учун қўшимча 190 сўм олишлари мумкин.

Ҳозир 1 тонна хом ашёнинг нархи 800 сўмга яқинлашади. Кўриб турибсизки, бу йил ҳар тонна пахта учун 900 сўм, келаси йилда эса 1000 сўмгача олиш мумкин. Бу эса пахтакорлар учун катта ёрдамдир.

Энди теримчилар нималарни кутишлари мумкинлиги ҳақида. Қўшимча ҳақни тақсимлаш ҳуқуқи хўжаликларга берилган. Шу сабабли пулни тақсимлашнинг ягона нормативи йўқ. Биз унинг камида учдан икки қисмини теримчиларга ҳақ тўлашга сарфлашни тавсия этамиз холос. Бу теримчилар ишини рағбатлантириш, бинобарин, деҳқонлар турмуш даражасини юксалтириши керак. Хўжаликларнинг кўпгина раҳбарлари шундай фикрда эканликларини биламан.

Шундай қилиб қўл теримида ҳар бир килограмм пахта учун ўртача 15—20 тийин тўлаш имконияти бор. Эслатиб ўтаман: шу вақтгача 9—10 тийин тўланар эди. Механизаторларга қўшимча ҳақни ҳам анча кўпайтириш мумкин. Илгари уларга ҳар икки тонна пахта учун 7 сўм тўлаган бўлсак, энди ҳар тоннасига 10 сўм тўлаш мумкин. Бу эса пахтазорларда терим техникасини қўлланишни рағбатлантириши лозим.

Энди колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларига мурожаат қилмоқчиман: агар биз пахтани териб олсаккина, ана шу қўшимча маблағ хўжаликлар, бинобарин деҳқонлар тасарруфига ўтади. Вақт оз қолди, давлат берган имкониятдан тезроқ фойдаланиш керак. Теримчилар меҳнатига тўланадиган ҳақни оширишни пайсалга солмай, бу омилни тезроқ ишга солиш керак. Биз аввало, меҳнатчиларимизнинг моддий манфаатдорлиги тўғрисида, уларнинг фаровонлигини ошириш ҳақида ўйлашимиз керак. Бу — республика аграр соҳасидаги ишлар муваффақиятининг гаровидир.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг 28 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Тошкент метрополитенининг бошлиғи бўлиб ишлаган Шоиноят Раҳимович Шоабдураҳимов Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси этиб сайланди. Сессия Ҳ. Ҳ. Ғуломов Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан уни шаҳар ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси лавозимига еттита номзодни таклиф этдилар. Дастлабки муҳокама икки ҳафта давом этди. Натижада учта номзод танлаб олинди. Сессияда депутат Ш. Р. Шоабдураҳимов мутлоқ кўпчилик овоз билан сайланди.

Сессия қатнашчилари бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Сессияда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Улуғбек Иброҳимович **Набиев,** Ҳусан Муҳсимович **Усмонов** ва Лев Моисеевич **Хоменкер** ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзолари этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил 29 сентябрь.

• *Амалдаги байналмилалчилик*

ШИЙПОНДАГИ ФАБРИКА

БАЙНАЛМИЛАЛ АЛОҚАЛАР ҚИЗИЛТЕПА РАЙОНИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ МУАММОСИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЛ ҚИЛИШИГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Кировскдаги «Заря» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Россия Федерациясидан ташқарида иккита корхонаси бор. Уларнинг бири Вьетнам Социалистик Республикасининг Хошимин шаҳрида бўлса, иккинчиси Бухоро областининг Қизилтепа районида жойлашган. Қизилтепадаги корхона эндигина маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Бундан олдинроқ бу цех ўрни «Бўстон» совхозининг дала шийпони эди.

Ҳатто ветеранлар ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида фронт орқасига шошилинч кўчирилган корхоналар бунчалик тез маҳсулот ишлаб чиқаришга киришганини эслай олмайдилар. Янги фабрикада тикув дастгоҳларини ўрнатишдан маҳсулот ишлаб чиқаргунча бор-йўғи бир ой вақт ўтди.

Ҳаммаси шу йил ёзида бўлиб ўтган район партия фаолларининг йиғилишида айтилган аччиқ танқид сўзларидан бошланди. «Ўзбекистон» колхози ветеранлар кенгашининг раиси Нарзи ака Азизов минбарга чиқди:

— Мана «Бўстон» совхозини олайлик, — деди у — Районда илғор хўжаликлардан бири. Аммо юзлаб ёшлар айниқса қиз-жувонлар совхозда иш тополмай уйда ўтиришибди. Бу эса на депутатларимизни, на район Совети раҳбарларини, қоларверса партия комитетидаги ҳурматли сафдошларимизни ташвишга солмаётир. Фарғонада содир бўлган фожианинг илдизини ана тақдирига мана шундай бефарқликдан излаш керак.

Нарзи аканинг сўзлари замиридаги аччиқ ҳақиқатни раҳбарлар тез англаб олишларига тўғри келди. Райком бюросининг навбатдаги мажлисида ортиқча меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масаласи жиддий муҳокамага сабабчи бўлди. Бу муаммони ҳал қилиш учун мамлакат марказий районларидаги йирик саноат корхоналарига мурожаат этишга қарор қилинди. Бундай имкониятларни излаш бўйича ташкил қилинган ишчи группасига раҳбарликни райкомнинг иккинчи секретари М. Шарифжонов ўз зиммасига олди.

Эртасига у Россия Федерацияси енгил саноат министрлиги билан телефон орқали боғланиб, тармоқ корхоналарининг районда филиалларини ташкил этишни таклиф қилди. Бу иккала томонга ҳам ўнғай. Россия корхоналари бунинг натижасида қўшимча ишчи кучига эга бўлишади. Ўзбек қишлоғидаги бекор қўллар эса иш билан банд бўлади. Министрликда таклиф ижобий қабул қилиниб, айни маҳалда реконструкция қилинаётган «Заря» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат этиш тавсия қилинди. Бу корхонада анчагина ишлаб чиқариш қувватлари бўшаб қолаётган эди. Шарифжонов Кировск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. А. Урванцев билан боғланиб, масалани пишитганидан кейин Қизилтепадаги узоқ Кировскдан меҳмонлар келиб қолишди. Уларга бирлашманинг бош инженери Надежда Сергеевна Караваева бошчилик қиларди.

Меҳмонлар совхознинг Маликчўлдаги қўриқ ерларида барпо қилинган катта дала шийпонини синчиклаб кўздан кечиргач, филиални шу ерда очиш мумкин деган хулосага келишди. Совхоз ва бирлашма ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди. Дарҳол шийпондаги барча хоналар қўриб чиқилиб, қайси бир хонада қандай ускуналарни ўрнатиш чамаланди.

Орадан 15 кун ўтар-ўтмас районга РСФСР номер белгилари қўйилган юк машиналари колоннаси етиб келди. Улар 5 минг километр масофани босиб ўтиб, янги корхона учун зарур ускуналарни олиб келишди. Машиналардан тикув дастгоҳлари туширилиб, ўрнига мева, сабзавот, қовун-тарвуз юкланди. Умуман, бир неча ой ичида совхоз кировсклик биродарларига 32 тонна маҳсулот жўнатди.

Биз райкомнинг биринчи секретари М. Шамсиев ҳамроҳлигида шийпонга етиб келганимизда, корхона тўла қувват билан ишга киришган эди. Ўрнатилган 52 та совет ва япон тикув дастгоҳлари бир маромда ишламоқда. Мана бир ой бўляптики, бирлашма бош директорининг маҳсулот сифати бўйича ўринбосари Л. Д. Новикова, технолог Т. А. Шуварова, тикувчи ва бичувчи Г. В. Огородникова, А. М. Блинова, созловчи Н. П. Михонин эртадан кечгача қизилтепалик ёшларда касбмалакаларини ҳосил қилишмоқда. Ҳозир корхонада 140 хотин-қиз икки сменада маҳсулот ишлаб чиқаряпти. М. Бозорова, Ш. Тоирова, Ш. Шамсиева, Н. Темирова сингари қизлар ўрнатилган замонавий дастгоҳларда тиккан бежирим кўйлакчалар савдо пештахталарида ётиб қолмаслиги шубҳасиздир.

Ҳозирча шийпондаги фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлашма бош корхонаси орқали савдога чиқарилмоқда. Келгусида эса маҳсулотнинг бир қисмини маҳаллий савдо тармоғи орқали сотиш кўзда тутиляпти.

«Бўстон» совхозида дала шийпони фабрикага мослаштирилган бўлса, «Партия XXII съезди» колхозида эски клубни шу мақсадга мослаштиришди. Хўжаликда янги ижтимоий-сиёсий марказ барпо қилингандан кейин клубга эҳтиёж қолмаганди.

Бу ерда Кировск трикотаж бирлашмасининг филиали жойлашди. Кировсклик монтажчилар В. Турчин, А. Вавилов Н. Татаринов пешмапеш ўрнатаётган ускуналар дарҳол ишга солинмоқда. Йил охиригача бу ерда юзта тикув ва бичув машиналари ўрнатилиб, уларда 300 қизжувон ишлай бошлайди. Демак, клуб қаршисидаги Менделеев номли мактабнинг битирувчилари энди иш излаб кўп ҳам овора бўлишмайди.

Қизилтепа районида энг жиддий муаммони ҳал қилиш учун байналмилал алоқалардан мана шундай фойдаланилмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ҚАРИЯЛАР УЧУН

Республика пойтахтининг Юнусобод массивида яна бир қариялар уйи барпо этишга киришилди. Мазкур бинони 4-қурилиш трестининг 19-қурилиш бошқармаси коллективи бунёд этмоқда.

Шу кунларда бу ерда ишлар қизғин тус олди. Айниқса монтажчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Мирза Ҳусанов прораблик қилаётган мазкур қурилиш участкасининг азамат коллективи бинони муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун ҳар бир қулай имкониятдан фойдаланиб, иш суръатини кундан-кунга оширмоқда. Монтажчилар ўртасида авж олган мусобақада Юрий Велихов пешқадамлик қилмоқда. Қариялар уйи биноси келгуси йили битказилади.

Суратларда: илғор пайвандчи Юрий Велихов ва қурилиш олиб бораётган майдонининг умумий кўриниши.

Т. КАРИМОВ суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

Тошкентда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимларининг биргаликдаги ҳаракатлари билан шаҳардаги кооперативлардан бирининг вакилидан дўк-пўписа ва жисмоний қийноққа солиш орқали катта миқдордаги пулни ундириб олиш билан шуғулланган бир группа шахсларни жиноят устида қўлга тушириш операцияси ўтказилди.

Мазкур факт юзасидан зарур тергов ишлари олиб борилмоқда.

НОШУД ШЕРИКЛАР

ЁКИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЎЙЛАМАЙ-НЕТМАЙ БИРЛАШМАГА ҚАРАМ ҚИЛИБ ОЛАВЕРИШНИНГ ОҚИБАТИ ҲАҚИДА

Йил бошида буюртмачиларнинг трест бўлинмаларидан қарзи 7 миллион сўмга етди. Бундай шароитда жойлардаги кўчма колонналаримиз давлат банкидан олган кредитларини вақтида уза олмадилар, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилинмади.

Область «Агростой» бирлашмасининг 5-бирлашган қурилиш дирекцияси (трестга буюртмачи ҳисобланади) 2441 минг сўм қарзини узиш учун манба қидириб овора. Область колхозларининг қарзи 654 минг сўмни, совхозларники эса 380 минг сўмни ташкил этди. Халқ депутатлари область Совети капитал қурилиш бўлими ҳам 1051 минг сўм қарздор. Аммо бу ташкилотлар раҳбарлари трестимизни оғир молиявий аҳволдан қутқариш, кўмак бериш йўлларини изламаяптилар.

Бажарилган ишлар учун коллектив ҳамёнига маблағ тушмагач, давлат банки ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан вақтида ҳисоб-китоб қила олмасдан жарима тўлашга мажбур бўлмоқдамиз. Бундай ночорлик бошқа қийинчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хусусан, қурилиш таннархи қимматлашмоқда. Коллективимиз ўзининг муомала маблағига эга эмас. Булар трестни тўла хўжалик ҳисобига ўзини ўзи маблағ билан таъмин этиш, ўз харажатларини ўзи қоплаш принципига ўтиб ишлашига раҳна солмоқда.

Депсинишнинг яна бир жиддий жиҳати борки, бу ҳақда алоҳида тўхталмасдан илож йўқ. Ўтган йили ноябрь ойидан бошлаб область «Агростой» бирлашмасини ташкил этишга киришилди. Шу йил биринчи январдан эса бирлашма тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлади. Янги бирлашма гарчанд пудратчи ташкилот — трестнинг маблағи ҳисобига ташкил этилган бўлса-да, унинг ташкилий-структуравий схемасини тузишда трест коллективи билан маслаҳат қилиб олишни раҳбарларимиз ўзларига эп кўришмади. Ўз билганларича бўлимлар, бошқармалар тузиб ташлайверишди. Трест ихтиёридаги ташкилотларни ўзларига ҳоҳаганича бўйсунадиган қилишди. Пудратчи ташкилотни яна ҳам ночор аҳволга тушириб, ўзлари четдан кузатувчи бўлиб юришибди.

Бирлашма ташкил этилганига қадар трестимиз ихтиёрида бешта гишт заводи бўларди. Бу кичик корхонамиз ҳар ҳолда 35 миллион дона деворбоп материал ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳар йили 17 минг кубометр темир-бетон буюмлари тайёрлаш имконига эга бўлган учта полигонимиз, 20 минг квадрат метр дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех, автобаза, қурилиш техникаси бошқармаси ҳамда моддий-техника таъминоти идораси мавжуд эди. Ана шу корхона ва ташкилотлар ҳам бирлашмага бўйсундирилди. Бир вақтнинг ўзида биздан тортиб олинган ташкилотларга раҳбарлик қилиш учун Қашқадарё «Агростой» бирлашмаси ҳузурида шошилинч равишда автомобиль ва механизация бошқармаси (иккита автобазага раҳбарлик қилади), саноат корхоналари, моддий-техника таъминоти бошқармалари тузилди. Бошқармаларнинг ҳар бирида 30—35 киши ишлайдиган қилиб штат жадваллари тасдиқланди. Бирлашманинг марказий аппаратида ҳам 60 киши ишлайдиган бўлди. Ана шу штатдаги ходимлар бир йилда 250 минг сўмлик иш ҳақи олади.

Илгари қурувчи ишчилар биргина трест марказий аппарати ходимларини боқар эди. Эндиликда бутун бошлик бирлашма ва унинг янгидан тузилган бошқармалари коллективлари ишчилар елкасига миниб олдилар. Иш ҳақи камайди. Бу ҳеч қандай асоссиз, ҳисоб-китобсиз белгиланди. Бўлмаса, янгидан ташкил топган бюрократик аппаратга маош тўлаш учун манба топиб бўлмас эди-да. Бу ўз навбатида трест коллективига оғир юк бўлиб тушди. Шу йилнинг биринчи кварталидаёқ 100 минг сўмлик иш ҳақига эҳтиёж сезилди. Ишчиларнинг маошлари бултургига нисбатан ўсиши лозим эди, акси бўлди. Автотранспорт, механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкциялари таъминотидаги узилишлар яққол кўзга ташлана бошлади. Тўғри, бу соҳада илгари ҳам нуқсонлар мавжуд эди. Лекин улар ҳолва экан.

Янги бюрократик аппарат механизмлари ишга туширилгач, барча ишлар остинустун бўлиб кетди. Йиллар оша такомиллашган, силлиқланган трестнинг иш услубига путур етди. Қурилиш жараёнларини оператив ташкил этиш ва бошқаришнинг иложи бўлмай қолди. Шу йилнинг январь-май ойларида барча соҳаларда узилишлар содир бўлди, қониқарсиз фаолият кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 миллион дона гишт, 2631 кубометр йиғма-темир-бетон конструкциялари, 2595 кубометр тахта-ёғоч, 7500 квадрат метр дурадгорлик маҳсулотлари кам олинди. Нима учун дейсизми?

Илгари трест бевосита ташқи таъминотчилар билан алоқа қила олар, моддий-техника ташкилотлари билан муаммоларини мустақил ҳал этарди. Бундан ташқари «Ўзагростой»нинг моддий-техника таъминоти бошқармасига мурожаат қилиниб, танг муаммолар зудлик билан ҳал қилинарди. Область агроқурилиш бирлашмаси ташкил этилди-ю, мана бу ишларга гов ташланди. «Қачон бирлашма муаммоларимизни ҳал қилиб берар экан?» деб қутишдан бошқа илож қолмади. Муаммолар бўлса қалашиб ётибди.

Бултур тўрт ойда мактаблар қурилиши бўйича йиллик планнинг 51 фойизи, бу йил шу даврда эса 23 фойизи ҳажмида иш бажарилди. Соғлиқни сақлаш объектларида бултургига нисбатан 15 фойиз кам ишланди. Бошқа объектлар бўйича ҳам деспсниш давом этмоқда. Беш ойлик планга нисбатан қарийб 1078 минг сўмлик кам иш бажарилди.

Бу йил 37533 квадрат метр турар жойлар, 3892 ўринли мактаблар, 140 ўринли мактабгача болалар муассасаси ва бошқа объектларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бироқ бу марраларни эгаллаш мавҳум бўлиб қолмоқда. Бу аҳвол оддий ишчидан инженергача, бўлим бошлиғидан трест раҳбаригача — ҳаммани ташвишга солмоқда.

Рўй бераётган бундай тартибсизлик меҳнат коллективларида ҳақли эътирозлар туғдирмоқда. Ариза ва шикоятлар сони кўпаймоқда. Янги хўжалик механизмини ишга туширишни мўлжаллаб тузган тадбирларимиз қоғозда қолмоқда.

Бирлашма раҳбарлари кутилмаганда трест розилигини олмасдан иккита қурилиш ташкилотини бирлашма составига киритиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Нишондаги 235, Яккабоғдаги 229-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналар трест составидан чиқарилиб, бирлашмага бўйсундирилди.

Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади. Қурилиш ташкилоти нима учун бирлашмага керак бўлиб қолди экан? Трестнинг ўзи бинойидек раҳбарлик қилаётган эди-ку! Ахир, бу қурилиш ташкилотлари колхозлар маблағидан ташкил топган давлат-кооператив ташкилот-ку? Шунинг билан бирга, хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналар қишлоқда ягона пудратчи ташкилот ҳисобланади. Бу ҳақда партия ва ҳукумат кўрсатмасида очиқ ва равшан айтилган.

Фикримизча, ишимизга раҳна солиб турган тўсиқни кечиктирмасдан олиб ташлаш зарур. Ўшандагина хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналар ўз зиммасига юклатилган пудратчилик вазифасини тўла адо эта олади. Бу хўжаликлар ўз олдидаги барча вазифаларни қишлоқдаги социал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳал этишга қодир. Аввало, хўжаликлараро қурилиш ташкилотларига ўз ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш учун ёрдам бериш зарур. Ҳар бир кўчма колонна ихтиёрида ҳеч бўлмаганда бир-икки бетон қориш узели, темир-бетон маҳсулотлари тайёрланадиган полигон, гишт заводи, ёғочни қайта ишлайдиган цех бўлиши мақсадга мувофиқ.

Кўпгина материаллар четдан ташиб келтирилади. Имкони борича бунга чек қўйиш керак. 200—250 километр ва ундан узоқ масофалардан, қўшни область ва республикалардан қурилиш материаллари ва конструкциялари келтирилади. Ана шу материалларни маҳаллий ресурслар ҳисобига жойларда тайёрлашнинг имкониятлари мавжуд. Бунинг учун табиий материал ва хом ашёдан самарали фойдаланиш керак, холос.

Область колхоз ва совхозларида хўжалик усули билан қилинадиган барча ишлар қатъий план асосида амалга оширилса, бош пудратчи, яъни хўжаликлараро кўчма колонналарнинг қишлоқни сув, электр ва иссиқлик тармоқлари билан таъминлаш, ободонлаштиришдек комплекс тадбирлари билан узвий боғлаб олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қ. НУРМУҲАМЕДОВ,
Қашқадарё область аграр қурилиш бирлашмасига қарашли 1-қурилиш-монтаж трести бош инженери.

Д. КЕЛДИЕВ,
трест касаба союзи комитети раиси.

• *Бугун—Тарғиботчилар куни*

ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ

— Ука, турғунлик йилларида орден, медаль олмаган киши қолмади-ёв?..

— Йўғе, ошириб юбордингиз, аксинча, жуда кўп одам ҳалол меҳнат қилди-ю, аммо ишига яраша қадр-қиммат топмади. (Суҳбатдан).

Дарҳақиқат, шундай. Жон-дили билан элга, юртга меҳр қўйган, ҳалол-покиза ишлаган кишиларга осон кўчмади. Уларнинг улуғликлари шундаки, бирор марта қалтис тақдир ўйинлари тўфайли чеккан дард-аламларини Ватандан кўрмадилар, аксинча Ватанни қаттиқроқ севдилар, фарзандларини шунга ўргатдилар, одамларни шунга даъват этдилар.

Энг яхши ва таъсирчан тарғибот ибрат бўлишидир. Киши ўзи ноёб бўлиб, элни ҳалолликка чақирса, ҳеч ким унинг сўзига қулоқ тутмайди. Инсон ўзи адолатсиз бўлиб, тўғрилик ҳақида фикр юритса, унинг носамимийлиги албатта сезилиб қолади. Бу — ҳаёт фалсафаси. Тўғрироғи, Ризо ака Ҳасанов умр йўлларида топган дуру жавоҳир бу.

Биз савдо ходими деганда кўз олдимизга ҳамиша шахсий манфаатини кўзлайдиган одамни келтиришга, адолатсизликдан сўз очилгудай бўлса, уни милиция, прокуратура ва судга боғлашга кўникиб қолганмиз. Рўй берган жуда кўп воқеаларга уларнинг ўзлари сабабчи деймиз. Турғунлик даврида ҳалол ишлаган прокурорлар бор эди, десак, бу эртагингизни болаларга айтинг, дейишади.

Лекин Ризо акани билган ва унинг номини эшитган кишилар, бундай гапларни ўйга раво кўришмайди. Негаки, Ризо Ҳасанов доимо ҳақиқат учун курашиб келди. Бахтини, иқболини ана шу курашдан топди.

У Самарқанд университетининг тарих факультетини сиртдан битирди. Сўнгра юридик бўлимда ўқиди. Чархинда мактаб директори эканлигида Зомин машина-трактор станциясига сиёсий бўлим бошлиғи этиб жўнатишди. Сўнг область, республика прокуратурасига чақиришди. 1943 йилдан 1947 йилгача Иштихон район прокурори, шу зайл Булунғур, Чархин, Оқдарё, Хатирчи, Ургутда прокурор бўлиб ишлади. Ўттиз йил ана шу лавозимда бўлди.

— Ризо ака, сизнинг ҳақиқатгўйлигингиз туфайли шунча йил раҳбар бўлганингизга кишининг ишонгиси келмайди?..

— Илгари бу қадар қонунбузарлик йўқ эди. Қоларверса, ҳалол кишилар билан ҳисоблашишарди. Кейинчалик бизга оғирроқ бўлди.

— Сиз ҳақингизда кўп эшитамиз. Доим мажлис қилиб юрарди, дейишади.

— Узоқ йиллар давомида райком аъзоси, депутат, пропагандист бўлганман. Халқимиз қонун-қоидаларни, муҳим ҳужжатларни яхши ўрганмаган. Шу боис ҳам боши ташвишдан чиқмайди. Мен кабинетда ўтириб, қоғозга қараб хулоса чиқаришни ёмон кўрардим. Эрталабдан колхоз ва совхозларга борардим. Ҳар бир янги ҳужжатнинг моҳиятини одамларга тушунтириб беррардим. Биласизми, жиноят жуда оз эди ўшанда.

— Сиёсий ўқиш, умуман ўқиш дегани кўпайиб кетди, шекилли?

— Ўқиш керак. Бир умр ўқиш керак. Лекин биз сиёсий ўқувни ҳам, ягона сиёсий кунларнинг ҳам обрўсини тушириб юбордик. Аввало яхши тарғиботчи танлашни билмаймиз. Газетани ҳижжалаб ўқиб бериш билан иш битмайди, ахир. Шу боис ҳам партия Марказий Комитети сиёсий ва иқтисодий ўқувни қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ жойларда унинг ижроси таъмин этилмади.

— Агар сизга пропагандист танлаш ҳуқуқи берилса, қандай йўл тутардингиз?

— Биринчи галда, бу ишни виждони олдида соф бўлган, қобилиятли кишиларга юклардим. Тарғиботчининг сўзи қачон таъсирчан бўлади? Қачонки у кундалик ҳаёт билан боғлаб гапирса олса, ростгўй бўлса. Афсуски, одамларга бошқа гап айтиб, амалда бошқа иш қилиш касали чуқур илдиз отди. Бир куни область прокуратурасига чақириб, энди пенсияга чиқишингиз керак, деб қолишди. Ҳали куч-қувватим бор. Қоларверса энди олтмишга кирганман. Ўнлаб пенсия ёшидагилар ишлаб юришибди. Тортишиб ўтирмадим. Ўша кунларда республика прокурорининг «Совет Ўзбекистони»да мақоласи босилди. Мени мақтаб тилга олибди. Номим ёзилган соат беришди. Бировдан қутулиш учун уни ё юқоригa қўтариб юборишарди ёки мақтаб-мақтаб ишдан четлатишарди...

Ризо ака шундан кейин Жомбой районидаги Улуғбек номли совхозда ҳуқуқшунос бўлиб ўн йил ишлади.

— Бунақа тарғиботчини кемолга етказиш осон эмас, — дейди совхоз партия комитети секретари Аҳад Давлатов. — Узоқ йиллар мобайнида партия сиёсий маорифи мактабида тарғиботчилик қилди. Тингловчилар у ўтказган машғулотларга ҳамиша бажонидил қатнашардилар. Чунки, машғулотларни қизиқарли, содда, ҳамма тушунадиган қилиб ўтказар эди. Ҳар бир фикрни хўжалик, район ёки область доирасидаги мисоллар билан асослаб беришга ҳаракат қиларди. Сўзлари таъсирчан, ишонмай иложинг йўқ. Ўзи ҳам ўн йил Самарқанддан Жомбойга қатнади. Лекин бирон марта интизомни бузган эмас.

Ризо ака Ҳасановни Боғишамолда — Раҳматобод маҳалласида ҳам энг яхши тарғиботчи деб билишади. Камтар, камсуқум, ширинсухан бу одамнинг бор-йўғи учта мукофоти бор. Бири юқорида айтилган соат бўлса, иккинчиси СССР Бош прокурорининг 1949 йилда, учинчиси эса 1959 йилда берган раҳматномасидир.

Дунё жуда қизиқ. Ҳалол, поқ одамлар раҳбар бўлиб ишлашганда кўпчилик у ҳақда ёмон гапиради. У кетгач эса, қадри ўтиб қоладими, мақтаб юришади. Айни пайтда қизиқ ва айни пайтда ачинарли томони шундаки, уни сиғиштирмаган, четлаштирган кишилар ҳам тан олиб мақташади. Демак, улар ўша кезда ўз виждонларига хилоф иш тутганлар.

Қайси районга бормайин Ризо ака Ҳасановни биладиган, танийдиган кишилар у ҳақда илиқ гап айтишади...

— Кейинги вақтда биз айрим одамларнинг порахўрлик, кўзбўямачилик йўлига кириб кетишганини шароит, муҳит билан боғлаяпмиз, — суҳбатга тортаман Ризо акани.

— Шароит, муҳит билан оқлаяпмиз, денг. Йўқ, ҳамма гап кишининг ўзида! Уни букиш, енгишга шароит ожиз. Миллий масала ҳақида ҳам гапириб, доим у ёки бу халқ таҳқирланди деган хулосага бориб қоладиган бўлишди. Масалан, мен паспортимни, миллатимни ўзгартир, деган гапни умуман эшитганим йўқ. Паспортимда миллатим эрони деб ёзилган. Ҳеч ким менга дакки берган эмас. Одамларнинг ўзлари баъзан ишлари юришмаса, балки юришиб кетар деб миллатларини ўзгартириб олишгача бориб етдилар. Энди эса замон уларга эрк берди. Қарангки, шу эрк берган замонни ҳам айблашмоқда.

Шу ўринда партиянинг обрўси ҳақида ҳам икки оғиз гапирмоқчиман. Унинг обрўси тўкилган эмас. Балки унга суқилиб кирган кишиларнинг обрўлари ер билан яксон бўлди. Буни фарқлай билиш керак. Бугун қайта қуриш юришмаётган экан, бу партиянинг хатоси дейиш мутлақо нотўғри, кўпчилик янгича яшашга мойил, тайёр эмас. Етмиш йил давомида одамнинг характери у ёқда турсин, генетикаси, содда қилиб айтганда, қони ҳам ўзгариб кетади. Ўзгармай қолган кучли авлодлар қайта қуришни бошлашди. Бирданига ҳамма нарсани ўзгартириб бўлмайди. Дарахтни кесиб ташланг қани, бир кунда қайтиб униб, ўсиб, улғаядими? Бугун кўп нарса маҳоратли тарғиботчиларга боғлиқ. Улар халқни ишонтира олишлари керак. Шу боис, мендан қайта қуришни нимадан бошлаш керак эди, деб сўрасса, тарғиботчи танлашдан дея жавоб қилардим.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧАНГДАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ

Асфальт-бетон заводларида қум ва шағалларни қуритиш жараёнида катта миқдорда чанг ҳосил бўлади. Бу чанг ёқилғи-газлар билан ҳавога чиқариб юборилади.

Чангни атмосферага чиқармаслик мумкинми? Ҳозир корхоналарда чангларни тутиш учун циклон, фильтр ва сувдан фойдаланилади. Лекин энг замонавий техникага эга бўлган асфальт заводларида ҳам чангни тўла тутиб қолиш имкони йўқ. Айрим корхоналарда эса чанг тутиш қурилмаси яхши ишламайди. Натижада ҳаво тозалигини сақлаш мақсадида асфальт заводлари шаҳардан ташқарига кўчирилмоқда. Бу билан баъзи раҳбарлар экологик муаммо ҳал қилинди, деб ўйлашяпти. Афсуски, чанг қаердан чиқмасин, бутун атмосфера бўйлаб секин-аста ёйилади. Шунинг учун масалани ҳал этишнинг биргина йўли — чиқиндисиз технологияга ўтишдир.

Илгари чангли газ вентилятордан берилган босим таъсирида сувдан ўтар ва қувур орқали юқорига чиқиб кетар эди. Шу жараёнда газ босими камаяр эди-ю, аммо сўнмасди. Натижада чанг маълум миқдорда газ билан ҳавога чиқар эди.

Энди шу босимни сув ичида тўла сўндириш таклиф қилинмоқда. Шундай қилинганда чанг сувда қолади. Газ чангдан тозаланиб, ҳавога кўтарилади. Унинг ҳавога кўтарилиши шиддатли бўлмаслиги учун сув юзаси кенгроқ бўлиши керак.

Агар бу сув ҳавзасига эрийдиган ёпишқоқ (елимсимон) моддалар ва полимерлар солинса чанг ушлаш осонлашади.

Сув тагида йиғилган чанг чиқинди насос билан аралаштириш ҳавзасига ўтказилади. Бу ерда чиқиндига оҳак қўшилиб, қоришма тайёрланади. Қоришмадан қурилишларда сувоқ учун фойдаланса бўлади.

Шундай қилинганда асфальт-бетон заводларини чиқиндисиз ишлаб чиқаришга айлантириш мумкин. Энг муҳими, ҳаво тозалигига эришилади. Бу усул асфальт заводларини шаҳар ичида сақлаш имконини беради. Натижада асфальт-бетон ташиш йўл харажатлари камаяди, вақт тежаб қолинади.

З. УСМОНОВ,
«Ўздорстройтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими, техника фанлари номзоди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Лампочкалар қачон ёнади?

Биз истиқомат қилаётган Ф. Хўжаев кўчасидаги лампочкалар апрель ойидан бери ёнмайди. Қоронғуда қоқилиб-суқилиб юрамиз. Шу ҳақда Каттақўрғон шаҳридаги шаҳар электр тармоқлари идорасига кўп марта мурожаат қилдик. Мутасадди ўртоқлар қуруқ ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Идорасига қатнайвериб, уларнинг кўзларига ҳам ёмон кўриниб қолдик.

Билмадик лампочкалар қачон ёнаркин? Шу ҳақда редакцияга мурожаат қилганимиз учун ўзимизни жуда ноқулай сезиб турибмиз. Бошқа иложимиз қолмади. Ишимиз битмагандан кейин нима қилайлик, мажбур бўлдик.

Х. КАРИМОВ,
Каттақўрғон шаҳри.

• МИНИСТР БИЛАН МУЛОҚОТ

ЖИНОЯТЧИЛИК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Бу кураш кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борилгандагина самара бериши мумкин

Республикамизда жиноятчиликка қарши кураш кенг миқёсда олиб борилаётган бўлса ҳам... бундай салбий ҳолат камаймаётир. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири С. Муҳиддинов Ўзбекистон ССР ички ишлар министри В. М. Камоловга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Вячеслав Мухторович! Ҳозирги вақтда ички ишлар органлари фаолиятида ҳам ошкоралик мустаҳкам ўрин олмоқда. Кенг жамоатчилик, меҳнаткашлар билан қилинаётган мулоқот тегишли воқеа ва жараёнларга зудлик билан муносабат билдиришга ёрдам бераётир. Аммо назаримизда министрликда социолог мутахассислар, жамоатчилик фикрини ўрганувчи махсус бўлима йўқлиги ишга салбий таъсир этмоқда. Ҳолбуки бундай бўлима эртанги кун масала ва муаммоларини тасаввур этиш, нимага эътиборни кучайтириш лозимлигига тавсиялар бериши мумкин бўларди.

— Ҳақиқатан ҳам ички ишлар органлари фаолиятининг кўпгина йўналишларига оид якун, хулоса ва фактларни омма эътиборига ҳавола этиш одатга айланмоқда. Жамоат тартибини муҳофаза этишми, жиноятни фош қилиш ва бартараф қилишми, хуллас фаолиятимизнинг кўп жабҳаларидан махфийлик тамғаси олиб ташланаётир. Бугунги кунда аҳвол қандай? Камчиликларимиз нимада? Жиноятчилик йўлини қандай тўса оляпмиз? Ана шу хусусдаги статистик маълумотлар матбуот орқали халқ муҳокамаси учун ҳавола этилаётир. Демократиялаш жараёнида амалга оширилаётган бу ошкоралик ҳаётимизни соғломлаштиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиз. Республикамизда жиноятчиликнинг бугунги аҳволи олим ва социологдан тортиб, зиёлиларгача турғунлик даври оқибатларини, жиноятчиликни бартараф этишда қандай иш тутишга, ёш авлод тарбиясининг қайси жиҳатларига эътиборни қучайтириш лозимлигига йўналиш беради.

Министрлик ихтиёрида социолог-мутахассислар бўлиши масаласи хусусида. Улар шубҳасиз социологик тадқиқот ишимизга аниқлик киритган ва уни осонлаштирган бўларди. Аммо республикамизда жиноят қидирув оператив ходимлари ҳар ўн минг аҳоли ҳисобига умумиттифоқ ўртача кўрсаткичидан анча кам бўлиб турган, унинг зиммасига тушаётган топшириқ тобора ортиб бораётган бир шароитда улар учун алоҳида сарф-харажат қилиш имкони йўқ. Терговчилар ҳам етишмаётир. Аммо биз министрликнинг ташкилий-инспекторлик бошқармаси аппарати фаолиятини жиноятчиликка қарши кураш бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш ва умумлаштиришга, яқин ўн-ўн беш йиллик ишимизни прогноз қилишга йўналтирдик. Бундан кейин ҳам меҳнаткашлар фикр-мулоҳазаси ички ишлар органларининг шаҳар, район бўлимлари ва бошқармалари, алоҳида хизмат бўлинмалари, фаолиятига бериладиган баҳо учун асос қилиб олинади.

— XIX Бутииттифоқ партия конференцияси барча коммунистларга бюрократизм, унинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бориш мажбуриятини юклади. Ички ишлар органларида бошқарув звеносини қисқартиришни ҳам кейин ҳам шундай бўлади. Меҳнаткашларнинг талаб ва сўровларига эътиборсизлик қилиш, ишни бўяб кўрсатиш айбдорларига нисбатан кескин чора-тадбирлар кўрилаверади.

— Республика Компартияси Марказий Комитети Бюроси, пленуми, фаоллар йиғилишларида министрлик адресига кадрлар билан ишлаш ва бошқа бир қатор масалаларда танқидий фикрлар айтилди. Бу борада аҳвол яхшиланяптими?

— Ҳақиқатан ҳам кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда партия XXVII съезди қўйган вазифалар даражадасида иш олиб борилмаётгани ҳаққоний кўрсатиб ўтилди. Хусусан, ички ишлар органларига ишчанлик қобилияти ва сиёсий билимдонлиги юқори бўлмаган кишилар қабул қилинаётгани, ходимларни аттестациядан ўтказиш, кадрлар резерви билан ишлашда жиддий хатоликлар борлиги таъкидланди. Министрлик партия комитети интизомсизлар, хиз-

кўпайиб кетаётганлиги фақат Тошкент шаҳрининг эмас, бутун республикамиз аҳолиси ва жамоатчилигини ҳам қаттиқ безовталантирмоқда.

— Статистик маълумотлар республикамизда квартира ўғрилиги ҳақиқатан ҳам ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шу йилнинг етти ойида беш мингдан ортиқ қулфбузарлик ҳоллари юз берди. Бундай ўғрилик 44 фоизга кўпайди.

Министрликда жиноятчиликнинг бу кўринишига қарши курашни фаоллаштириш учун зарур чора-тадбирлар программаси ишлаб чиқилди. Ҳозир жиноят қидирув хизматида ана шундай қулфбузар-ўғрилар группаларини фош этиш бўйича махсус бўлинмалар тузиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Ҳозирча Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасида бундай бўлинма иш олиб бормоқда. Ўтган йили унинг иш натижалари эътиборга лойиқ бўлди. 700 та квартира ўғрилиги, шунингдек, 200 та бошқа хил

ЖИНОЯТЧИЛИК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

учун рухсатнома олишда бошбошдоқлик ва расмиятчилик кўп эканлигини кўрсатмоқда. Бундан кишиларнинг манфаатлари, милициянинг обрў-эътибори зарар кўради. Терговчилар ва тергов ходимларининг жиноий иш муносабати билан меҳнаткашларни ички ишлар бўлимларига асоссиз чақиришлари туфайли ҳам давлатга катта зарар етмоқда. Айрим ички ишлар бўлимларида милиция ходимларини кутиб ўтирган ўнлаб кишиларни учратиш мумкин. Ҳолбуки, шу вақтда уларнинг иш ўрни бўш қолади. Дастгоҳлар, транспорт бекор турган бўлади. Биз ҳозир бу ишларда тартиб ўрнатяпмиз. Ички ишларнинг шаҳар, район, линия бўлимларининг айрим раҳбарлари истаги билан жойлардаги жиноятчилик бўйича ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатиш, жиноий ишларни ҳисобга олиш ва фош этишда лоқайдлик, эътиборсизликни бўрттирилган рақамлар келтириш билан ниқоблаш таъсирида юзага келаётган бюрократизм янада зарарлидир.

Яқинда Самарқанд областининг Боғишамол райони ички ишлар бўлимида ана шунга ўхшаш факт қайд этилди. Рўй берган нуқсонга талабчанлик билан баҳо берилди. Айбдорларнинг кўпчилиги партиявий ва интизомий жазога тортилди. Айрим кишилар ички ишлар органларидан бўшатилди. Фақат ўтган йили ҳақиқатни бўяб кўрсатгани, гражданларнинг жиноятлар ҳақидаги аризалари ва хабарларини яшириб қўйганлиги учун 59 милиция ходими ишдан бўшатилган. Бундан

мат вазифасини виждонан адо этмайдиганларга нисбатан принципсизлик ва келишувчилик қилиш ҳоллари кузатилмоқда. Кадрлар билан ишлашдаги камчиликлар ички ишлар органларининг республикамизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноий ишларнинг олдини олиш, жиноят қидирув ишлари, социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш ва тергов хизмати натижаларига салбий таъсир этмоқда.

Министрликда маънавий-психологик муҳит соғлом эмаслиги, ҳаракатларда келишмовчиликлар борлиги ҳам таъкидлаб ўтилган эди. Бу асосан министрлик коллегиясига тегишлидир. Министрлик коллегияси ва партия комитети қўшма мажлисида бу муаммолар муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар қилинди, уни тузатиш чора-тадбирлари белгиланди. Илгари кадрлар бошқармаси ва ташкилий-инспекторлик бошқармасига ҳаддан зиёд ишонч билан қараб келинган эди. Худди мана шу ўринда кадрларни танлаш ва алмаштириш ҳамда БХСС ва жиноят қидирув хизматлари ишига нисбатан талабчанлик ва принципиаллик сусайтириб юборилди. Кўпгина масалалар ими-жимида, партия комитети ва сиёсий бошқарма фикр-мулоҳазаси эътиборга олинмай ҳал қилиб келинди. БХСС ва жиноят қидирув хизматлари уюшган жиноятчилик, экономикадаги қонунбузарликка қарши биргаликда курашишлари лозим бўлгани ҳолда ҳар бир хизмат ўз кучларини бирлаштирмай ўз-ўзича ҳаракат қиларди.

— Қулфбузарлик кескин

жиноятлар фош этилди. Улар бу йил ҳам ёмон ишлашаётгани йўқ. Аммо бу иш билан 2 миллион аҳоли яшайдиган Тошкент шаҳрида жами 38 киши шуғулланаётганини тасаввур этиб кўринг. Амалда бундан бир неча баравар кўпроқ ходим шуғулланиши керак эди. Масалан, Ленинград шаҳрида бундай жиноятчилик билан 200 киши иш олиб бораётир. Бу ўринда шахсий «ташаббус» билан бошқа тегишли бўлинмалардан одам олиб, квартира ўғрилигига қарши кураш бўлими ишига жалб этиш қийин. Унда гиёҳвандликка қарши кураш ёки шахсга нисбатан жиноятчиликни бартараф этиш ишларига зарар бўлади. Бундай ҳуқуқбузарликлар ҳам кўп рўй беряпти ва ниҳоятда хавфлидир. Масалани ҳал этишнинг ягона йўли бошқарув аппарати кадрларини қисқартириб, бу кучлардан олдинги марраларда фойдаланишдир.

Газетхонларни квартира ўғрилиги учун ҳозир жавобгарликка тортилаётганлар қизиқтириши табиий. Қулфбузарларнинг бешдан бир қисмини вояга етмаган ёшлар, ўсмирлар ташкил этмоқда. Ҳар уч ўғриликдан бири 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган шахслар ҳисобига тўғри келаётир. Таҳлил бундай жиноят қилиб ушланганларнинг ҳар тўрттасидан бири ишчилар синфига мансуб кишилар эканини кўрсатмоқда. Уларнинг 27 фоизи мактаб ва касб-ҳунар билим юртлари ўқувчилари, студентлар бўлса, 37 фоизини ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиганлар ташкил этади. Квартира ўғрилигининг ҳар бештадан битта-

квартира домофон билан жиҳозланди. Фикримизча бу борада горькийликлар тажрибаси бўйича ишчи-милиция отрядларини тузиш гояси истиқболлидир. Бундай отрядлар турли корхоналарда тузилмоқда. Отряд аъзолари иш вақти ва бўш вақтларида ўзлари яшаётган маҳалла ва микрорайонларда хизмат ўтайдилар. Бу хизмат албатта меҳнат коллективлари кенгашлари ва меҳнаткашларнинг розилиги билан ташкил қилиниб, корхона ҳисобидан йўлга қўйилади. Бундай бўлинма Қўқон шаҳрида ишлаб турибди. Горькийликлар тажрибаси Тошкент шаҳрида ҳам қўллаб-қувватланиб оммалашишига ишонаман. Жамоатчилик ва барча аҳолининг тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашда иштирок этиши ҳозир эҳтиёжга айланди ва ниҳоятда зарурдир.

— Кейинги вақтда ички ишлар органлари раҳбарларининг матбуот конференциялари, меҳнаткашлар билан учрашувларида жиноят қидирув ва бошқа оператив хизмат йўналишларида ходимлар етишмаётгани, ҳар ўн минг кишига ҳисобланганда бошқа республикаларга қараганда камроқ милиционер хизмат кўрсатаётгани ҳақида фикрлар айтилмоқда.

— Жиноят қидирув хизмати кадрларига тўхталайлик. Унга асосан ишчилар, ҳарбий хизматдан бўшаган ёшлар қабул қилиняпти. Бизга халқ хўжалигида меҳнат қилаётган турли соҳа мутахассислари меҳнат коллективлари тавсияси билан ишга келишади. Аммо кўп ўтмай уларнинг анчагина қисми хизматдан бўшаш «ташвиш»ига тушиб қоладилар. Ёшларнинг аксарияти милиция хизмати ҳақида енгил-елпи тасаввурда эканлигидан шундай бўлади. Бу хизматга бўлгаётган эса шароит тақоза этса кеча-ю кундуз ишлаш, оромдан, ҳатто дам олишдан кечиш, гоҳо маошдан ютқазиш деган гаплар. Яқинда меҳнат коллективидаги учрашувда сўзга чиқишимга тўғри келиб қолди. Милиция адресига анчагина очиқ-ошкора гаплар айтилди. Мен уларга, «Келинглар, бизнинг сафларимизни мустаҳкамлашга ёрдам беринглар, софдил, принципиал ёшларни ишга тавсия этинглар,— дедим. — Ахир, сизлар ўз кадрларингизни яхши биласизлар». Кимдир баланд овоз билан сўради: «Биз-ку кадрлар билан ёрдам берамиз, уларнинг маоши қанча бўлади». «Патруль-соқчилик хизмати милиционери, — деб жавоб бердим мен, — 150 сўм олади». Гапимга жавобан кулги эшитилди. «Биз бу ерда ўзимизни ҳеч қандай ҳавотирга қўймай, ундан бир неча баробар кўп оламиз». Ҳолбуки бугунги кунда республикамизда Бутииттифоқ ўртача нормативига нисбатан олганда 800 та жиноят қидирув ходими етишмайди. Фақат Тошкент шаҳрида бундай хизмат учун 250 ходимга эҳтиёж бор. Бу ҳақда СССР Ички ишлар министрлиги, республика ҳукуматига тавсияномалар билан мурожаат қилинди. Қандай ҳал бўлади, буни вақт кўрсатади.

Кўриб турибсизки, милиция ишида ҳам муаммолар тўпланиб қолган. Илгари улар ҳақида ҳеч кимга айтмасликка ҳаракат қилиб келинган бўлса, энди бу муҳим масалаларни яшириш милициянинг обрў-эътиборига путур етказиш, ишни яхшилаш ҳақида керагича қайғурмаслик демакдир. Ҳолбуки биз меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ҳимоя қиляпмиз.

— Редакциямизга келаётган хат-хабарлардан уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволидан норозилик кучаяётгани сезилиб турибди.

— Сўнгги йилларда жиноятчиликнинг хавфли кўриниши — уюшган жиноятчилик билан тез-тез рўбарў келадиган бўлиб қолдик. Группа бўлиб жиноят қилиш илгари ҳам бор эди. Аммо у ҳақда лом-мим дейилмай келинаверди. Фақат сўнгги уч-тўрт йилда бир қатор қуролланган жиноятчилар группаси томонидан босқинлар қилингач, республика Ички ишлар министрлигида қуролланган газандаларни фош этиш учун махсус бўлима тузилди. Ҳозир Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Сирдарё областлари ва Тошкент шаҳрида ана шундай ихтисослашган бўлинмалар иш олиб бормоқда. Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг яқин йилларга мўлжалланган махсус программаси ишлаб чиқилди.

Бундай жиноятчилар ҳақида гапирганда «қонундаги ўғрилар» масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас. Социал жиҳатдан ўта хавфли бўлган бундай кимсалар турмуш тарзи, ахлоқи билан ёшларни заҳарлайди. Улар тўғридан тўғри ҳуқуқбузарлик қилмасалар ҳам маҳфий ҳолда ниқобланган жиноий ҳаракат қилаверадилар. Кенг илдиз отган алоқаларидан фойдаланадилар. Қонунчиликнинг такомиллашмаганидан, уларнинг аксарияти амалда жиноий масъулиятга «тортишдан ҳолидир. Ўтган йили Самарқанд областидан Ғойипов, Бухоро областидан Раҳмонбердиев, Тошкент областидан Ниёзов жиноий жавобгарликка тортилган эди. Шу йили эса ана шундай «қонундаги ўғрилар»дан Мамацашвили ҳамда Лазгян ушланди. Айни вақтда республикамизда озодликдан маҳрум этилган ва эркинликда юрганлари билан жами 20 га яқин ана шундай кимсалар бор.

Бу муаммони бир ҳамла, бирданига қилинган ҳужум билан ечиб бўлмаслиги табиий. Уюшган жиноятчиликка қарши курашда процессуал тадбирлар билан уйғунлашган жиноятнинг олдини олишга қаратилган оператив комплекс ечимларгина кутилган ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Қонунбузарлар бугунга келиб тез-тез қўлларига қурол оладиган бўлиб қолдилар. Пичоқ ва калта милтиқ билан қуролланган ўсмирлар қўлга олинмоқда. Улар ўйлаб ўтирмай ҳатто бу қуролларни милиция ходимларига қарши ҳам ишлатмоқдалар. Саралаб ўтказилган сўровлар уларнинг кўплари бунга ғарбда ишланган видеофильмларни кўриш туфайли ўрганганликларини кўрсатмоқда. Маънавиятимизга ёт видео кассеталар ўсмирларнинг ақли ва тушунчасига кучли таъсир кўрсатаётганлигини шундан ҳам билиш мумкин.

Шу боисдан ҳам жиноятчиликка қарши курашиш учун манфаатдор бўлган ташкилотлар ва жамоатчилик уюшмалари тарқоқлиги, келишиб ишламаётганлигига эътиборни қаратмоқчиман. Маҳалла комитетлари, меҳнат коллективлари ва уй-жой идораларидаги ўртоқлик судлари, касаба союзлари, меҳнат коллективлари кенгашлари, маъмурият ички ишларга берилганлар, ташмачилар, ахлоқий бузуқлар ўртасида суст ишламоқдалар. Нопок ҳаёт кечираётган ота-оналарга нисбатан чора-тадбир кўрмаётирлар, болалар тарбияси билан қандай шуғулланилаётганлиги билан кам қизиқилмоқда. Бу охир-оқибатда ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноятнинг олдини олишга ҳалақит бермоқда.

Табиийки СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши, жойларда муваққат комитетлар тузилиши жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришда катта имкониятлар яратиб бермоқда. Ушбу қарорда бу йўналишдаги қийинчиликларни бартараф этиш вазифалари белгиланибгина қолмай, милицияни зарур техника воситалари билан таъминлашни яхшилаш ҳам кўзда тутилганки, бу ҳуқуқ-тартибот органларининг муҳим бўғини бўлган Ички ишлар министрлиги коллективлари томонидан зўр ғамхўрлик билан кутиб олинди. Албатта ҳар қандай қарор ижроси билан кучли. Партия-совет ташкилотлари алоҳида эътибор бериб ғаёётган муваққат комитетлар оила, мактаб ва меҳнат коллективлари, жамоатчиликнинг жиноятчиликнинг пайини қирқишдаги саъйи-ҳаракатини бирлаштиришда муҳим роль ўйнайди деб ўйлайман. Шундагина жиноятчиликка қарши курашда муваффақиятга эришишнинг кафолотли қатъий йўли амалга оширилади.

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ОЧИЛДИ

29 сентябрь куни Тошкентда очилган «Инсон космосда» мавзуидаги VIII халқаро анжуман узоқ давом этадиган фазовий парвоз шароитида инсон организмининг имкониятлари ва космонавтлар саломатлигини тиклаш, фазовий радиобиология ва экология ҳамда бошқа кўпгина муаммоларга бағишланди. Симпозиум халқаро астронавтика академияси (Франция) ҳомийлигида ўтмоқда. Анжуманда фазовий биология ва тиббиёт соҳасида иш олиб бораётган икки юзга яқин таниқли олим, космонавтлар, астронавтлар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги, жумладан, АҚШ, ҒФР, Англия, Франциядаги фазовий тадқиқотлар миллий марказларининг ходимлари иштирок этмоқдалар.

— Анжуман коинотни тадқиқ қилишда қандай ўрин тутишини аниқроқ белгилашга, фазони тадқиқ этишни йўлга қўйишда яқин келгусидаги вазифаларни белгилаб олишга имкон беради, — деди Халқаро астронавтика академиясининг президенти профессор Георг Моллер. — Бундай учрашувлар ана шу соҳада халқаро ҳамкорлик воситаларини такомиллаштириш, одамнинг коинот сари дадил ҳаракат қилиш йўлларини белгилаб олиш, келажакка назар ташлаш учун яхши имконият беради.

Симпозиум қатнашчиларини Ер атрофи фазосидан «Мир» орбитал комплекси экипажининг аъзолари Александр Викторенко билан Александр Серебров табрикладилар.

Меҳмонларни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов табриклади.

Анжуман ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ВЕТЕРАНЛАР УЧРАШУВИ

Югославия халқ озодлик уруши бирлашмалари уюшмаси президиумининг раиси Ристо Жунов бошчилигидаги шу уюшма делегацияси Ўзбекистонга келди. Югославиялик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашида қабул қилиндилар. Учрашув қатнашчилари ветеранларнинг социал муаммоларини — пенсия таъминоти, соғлиқни сақлаш, уй-жой шароитини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш соҳасидаги иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, республика Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов сўзга чиқди.

Делегация вакиллари В. И. Ленин қайқали пойига гуллар ва Парадлар ҳиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

ЛЕНИНСК. Шаҳар территориясидаги «Правда Востока» колхози миришкорлари 425 гектар майдондан пландаги 13 минг 515 тонна ўрнига 13 минг 680 тонна сабзавот маҳсулотлари топшириб, бу борадаги йиллик топшириқни уддаладилар.

Муваффақиятга ҳар гектар майдондан 420—500 центнердан ҳосил олган И. Раҳимов, Л. Исломов, С. Йўлдошев ва М. Исмоилов етакчилик қилаётган бригада аъзолари баракали меҳнат қўшдилар.

Сабзавоткорлар эл дастурхонига яна 2000 тонна маҳсулот етказиб беришга аҳд қилишди.

Т. КОМИЛОВ.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАР

ДЕНОВ. «Ҳазорбоғ» совхозининг Э. Абрайқулов ва Т. Мирзақулов бошлиқ бригада пайкалларида мўл пахта ҳосили етиштирилди. Айни кунларда ҳосилни йиғиштириб олиш қизғин бораяпти. Кунига 100—150 килограммдан пахта тераётган М. Соатова, С. Мирзақулова ва М. Исмоиловалар теримчилар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЗҒИН

Фарғона область Риштон районидаги «Коммунизм» колхозининг мирзиқор деҳқонлари бу йил 1650 гектар майдонда ғўза ўстирдилар. Айни кунларда чамандек очилган пахтазорда қўл термни қизғин. Шундан 850 гектари ураглик пахта. Уни теримчилар хирмонга тўпламоқдалар. Қолган 800 гектар ердаги «оқ олтин» машиналарда териб олинади. Шунинг учун ҳам пайкаллар тезда дефолиация қилинмоқда.

Суратда: бензин қуювчи Маъруфжон Мамажонов, Сергели авиаотряди учувчиси Николай Топоров ҳамда колхоз бош агрономи Иброҳим Тожибоевлар дефолиация қилинадиган майдон картаси билан танишмоқдалар.

У. Қўшвоқов суратн.

• Дала гигиенаси

САЛОМАТЛИК БЎЛСА...

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг соғлиғини муҳофаза қилиш нафақат шифокорларга, балки уларнинг ўзларига ҳам боғлиқдир. Далада ишлаётган ҳар бир пахтакор ўзини қандай тутиши ва қандай шарт-шароитларга амал қилганда унумли меҳнат қила олишини билиши ҳам лозим. Даладаги мавжуд шароитлар пахтакорлар ва механизаторларнинг қатор гигиена қоидаларига амал қилишларини тақозо этади. Аввало, уларнинг иш жойи қулай бўлиши лозим.

Маълумки, трактор ва бошқа механизм ишлаётган вақтда кўтарилган чанг ҳаво орқали одамнинг юқори нафас йўллари билан ўпкага, (ёнилғи моддалари ва мойлари билан аралашган ҳолда) терига таъсир этади. Баъзан айрим техник сабабларга кўра ёнилғи чала ёниб, ҳавога ис гази ажралиб чиқади. Бунда бош айланиши, оғриши, умумий дармонсизлик рўй бериб, кўнгил айниши кузатилади. Бундай ҳолларда дала шийпонларида навбатчилик қилаётган медицина ходимларига мурожаат қилиш, тегишли тиббий ёрдам олиш шарт.

Одам танасининг териси организмни ташқи муҳит таъсиридан сақлайди. Терида 3 миллиондан ортиқ ёғ ва тер безлари бор. Бир ҳафта мобайнида организм тери орқали 150—200 граммгача ёғсимон моддаларни ишлаб чиқаради ва бу ёғ тери юзасини қоплаб кетади. Бадандан чиққан тер чанг билан қўшилиб қатронсимон моддаларни юзага келтиради. Шунинг учун дала шийпонларида кўчма душлар бўлиши керак.

Республикамиз серқуёш, ҳаво ҳарорати меъёридан анча баланд. Бу шубҳасиз, далада ишлаётганларнинг ўз организмидан кўп миқдорда тер чиқаришига сабаб бўлади. Ҳатто айрим чоғларда бир иш кунида киши организмидан 3—5 литргача тер ажралиши мумкин. Тер билан фақат сув эмас, аъзолар учун зарур моддалар — туз, витамин ва органик чиқиндилар ҳам ажралиб чиқади. Агар ана шу биологик актив моддаларнинг ўрни ўз вақтида қопланиб турилмаса, кишининг меҳнат фаолияти маълум даражада пасаяди ва организмда физиологик ўзгаришлар юз беради. Бунинг олдини олиш учун кўк чой ичиб туриш, суюқлик ва мевалар, таомлардан тартибли тановвул қилиш лозим. Шу моддаларнинг ўрнини қоплаш учун сув ичиш тартибига риоя этиш керак. Бинобарин, ҳар бир дала меҳнаткаши бизнинг иқлим шароитида бир кунда ўртача 5 литр сув билан таъминланиши даркор.

Институт қошидаги қишлоқ гигиенаси лабораторияси олимлари чуқур илмий-тадқиқотлар натижасида тегишли тавсияларни ишлаб чиқди. Бунинг учун 5 литр қайнатилган сувга 25 грамм кўк чой солиб дамланади. Тайёрланган чой махсус кўза, хумларда сақланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай яхна чойдан ҳар бир дала меҳнаткаши 200—300 граммдан (ўз пиёласи билан) ичиб туриши тавсия этилади, бу билан у ичиш режимига риоя этган ва ўз саломатлигини муҳофаза қилган бўлади. Мева ва сабзавотлар тановвул қилиб туриши ҳам фойдалидир. Республикамизга хос иқлим шароитида колхоз ва совхоз меҳнаткашлари махсус кийим бош билан таъминланиши керак. Чунки улар ташқи муҳитнинг енгил бўлмаган шароитларида ишлайдилар. Уларга иссиқ ҳарорат, қуёш нурлари, чанг-тўзон, ҳар хил заҳарли моддалар (химикатлар) салбий таъсир кўрсатиши табиий. Шунингдек, улар тавсия этилган муҳофаза кийим, коржома ва буюмлардан тўғри фойдалана олишлари даркор. Бошни ва кўзларни ҳимоя қилиш учун оқ сурп дурра ва пешбандлардан, соябонли бош кийимлардан фойдаланиши маъқул. Сунъий газламалардан (капрон, лавсан, нейлон ва бошқалар) тикилган кийимлар билан дала юмушларини бажариш тавсия этилмайди, чунки бундай газламалардан тикилган кийимлар одам аъзойи баданида содир бўладиган мураккаб модда алмашув жараёнларига салбий таъсир кўрсатади, тананинг эркин нафас олишига тўсқинлик қилади. Пировардида киши ҳиссиёти ёмонлашади, иш қобилияти пасаяди.

Бепоён далаларимизда жонбозлик кўрсатаётган пахтакорларнинг саломатлигини сақлаш ва ибратли ҳордиқ чиқариш учун замонавий дала шийпонлари бўлиши катта аҳамият касб этади. Ҳозир республикамизда 17575 та дала шийпони бўлиб, шулардан 9541 таси, яъни 54 процента замонавий услубда қурилган.

Шийпонлар албатта тоза сақланиши, бу ерда меҳнаткашлар тушликда албатта иссиқ овқат ейишлари керак. Дала меҳнаткашлари истеъмол қиладиган таом ва озиқ-овқат маҳсулотлари лаззатли ва тўйимли, шунингдек, улар ҳордиқ чиқарадиган жой саранжом-саришта, озода бўлиши лозим. Пахтакорларнинг асосий дам олиш ва овқатланиш жойи бўлган дала шийпонларида юз-қўлни ювишда ишлатиладиган тоза сув, совун ва шахсий сочиқлар бўлиши керак. Оқаётган ҳар қандай сувга ювиниш, оғиз чайқаш ёки ичиш мутлақо номақбул. Негаки дала атрофида оқаётган сувлар таркибида салмоқли миқдорда минерал ўғит, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган химиявий препаратлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ювиниш, ичиш учун фақат водопровод, махсус цистерналарда келтирилган артезиан, бурғу сувлардан фойдаланиш мумкин. Қудуқ сувларини ҳам тоза деб бўлмайди. Чунки далада ишлатилган химиявий моддалар, минерал ўғитларнинг қолдиқлари ҳар хил йўллар билан сизот сувлари орқали қудуқларга тушади.

Институтимиз қишлоқ гигиенаси лабораториясининг олимлари илмий-тадқиқот ишларига асосланиб қуйидагича иш тартибини тавсия этади: меҳнаткашлар ёз фаслида дала ишларини эрталаб соат 7 дан бошлаб 12—13 гача давом эттиришлари, сўнг соат 17 дан 20—21 гача меҳнат қилишлари лозим. Кунниг иссиқ даврларида, яъни 13 дан 17 гача соя-салқин жойларда (дала шийпонларида, уйда) дам олишлари керак. Дала меҳнаткашлари ишни эрталаб соат 7 дан бошлаганларида ҳар 45 минутлик меҳнатдан сўнг 15 минут дам олишлари, 3 соатдан сўнг 30 минут давомида дам олиб, чой ичишлари ва овқатланишлари лозим. Сўнг яна ҳар 45 минутдан кейин 15 минут дам оладилар ва шу тарзда тушки овқат вақтигача ишлайдилар. Шундай иш режими Тошкент область Ғалаба районидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» совхозида ва Хоразм область Урганч районидаги Чапаев номли колхозда татбиқ этиб кўрилганда, колхозчиларнинг иш қобилияти 3-5 процент ошди, улар орасида учрайдиган касалликлар эса 1—2 процент камайди.

Механизаторлар ҳар 2 соатдан сўнг 10 минут дам олишлари ва шу вақт ичида қисқа муддатли бадан тарбия билан шуғулланишлари мақсадга мувофиқдир.

Дала юмушларини бажаришда, дам олиб ҳордиқ чиқаришда, овқатланишда, хуллас кундалик ҳаётда ҳар бир дала меҳнаткашининг санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, касалликнинг олдини олиш ишлари самарали ва унумли, соғлиги эса мустаҳкам бўлиши гаровидир.

О. ИСҲОҚОВ,
Ўзбекистон санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти қишлоқ гигиенаси лабораториясининг мудири, медицина фанлари номзоди.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ОММАВИЙЛИК ЎЎЛИДА

У-шу, тэквондо, каратэдо, айкидо, кураш ва қўл жанги — булар шарқ халқлари миллий спорт турларидир. Яқинда Тошкентда спортнинг ана шу турларини бирлаштириб турувчи ташкилот тузилди. Шунинг учун ҳам улар эркин ривожлана бошлади. Аввалларги бу секциялар кўп қаватли уйларнинг ер тўлаларида жойлашарди. Улар билан шуғулланадиган одамларга ҳеч қандай маълумоти йўқ, уни ўргатишга руҳсати йўқ кишилар устозлик қилишарди.

Ҳозир эса юқори малакали мутахассислар тренерлик қилишмоқда. Улар чет эллик спортчилар билан яқин алоқада иш юритмоқдалар. Масалан яқинда Тошкентда Корея Халқ Демократик Республикасидан келган тэквондочилар кўргазмали чиқишлар қилишди. Америка, Канада, Англиядан келган мутахассислар ҳам меҳмон бўлишди. Улар спорт залларини кўришди. Тошкентдаги тренерларнинг иши билан танишишди, семинарлар ўтказишди. Спортчиларга ҳам, тренерларга ҳам чет эллик ҳамкасблар ўтказган очиқ дарслар манзур бўлди. Унда республикамизда оммавийлашиб бораётган курашнинг турлари ва унинг сирлари ҳақида маълумотлар олишди.

Суратда: Шарқ яккама-якка олишиш санъати Тошкент бирлашмаси президенти, Узбекистон ССР Фанлар академияси иссиқлик физикаси бўлими мудирининг ўринбосари Фарҳод Тожибоев ўз группасига 8 ёшли Муҳаммадхалил Хатамовни қабул қилиб, унга ва бошқаларга кураш сирларини ўргатаётир.

А. Рисқиев суратн (ЎзТАГ).

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларида пешқадамлар сафида бораётган командалар муваффақиятга эришишди. Чунончи, турнир жадвалини бошқариб бораётган Москва армиячилари АСК «Карпати» клубини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғалабага эришишди. Умуман, бу йил армиячилар чиройли ўйинлар кўрсатиб мухлисларни қувонтиришмоқда. Бу гал ҳам шундай бўлди. Кетма-кет ишлатилган чиройли комбинациялар командага ғалаба келтирди. Олий лигага чиқиш учун даъвогарлик қилаётган пешқадам команда ҳисобида ҳозир 52 очко бор.

Иккинчи йўлланма учун курашаётган Ланчхутининг «Гурия» клуби футболчилари ўйиндан-ўйинга маҳоратни ошириб бориб, марра сари астойдил интилмоқдалар. Куни-кеча улар Абовянинг «Котайк» командасини қабул қилиб, рақиблар дарвозасига жавобсиз ягона тўп киритдилар. Ҳозир бу коллектив 49 очко тўплаб иккинчи ўринга чиқиб олди. Қайратчилар эса ўз майдонларида Оржоникидзе спартакчилари билан дуранг (1:1) ўйнаб учинчи ўринга тушиб қолишди. Пахтакорчилар эса «Нефтчи» билан дуранг ўйнаб, яна бир очко йўқотишди.

ГАЗЕТА ЯНГИ НОМДА ЧИҚАДИ

1990 йилдан бошлаб «Экономическая газета» мазмунан кенгайиб, «Экономика и жизнь» номи билан чиқа бошлайди. Газетанинг номи нега ўзгарди? Унда босиладиган мақолалар йўналиши ҳам ўзгарадими? Янги ном газета зиммасига қандай вазифалар юклайди? «Экономическая газета» бош редакторининг ўринбосари Ю. В. ЯКУТИН билан суҳбатимизда унга дастлаб ана шундай саволларни бердик.

— Бутун иқтисодий турмуш ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ўзгариб бораётган бир шароитда завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозларнинг меҳнат коллективлари ўз иқтисодий билимларини мустаҳкамлаб ва бойитиб боришга эҳтиёж сезадилар. Чунки бозор хўжалиги тез ўзгариб турган бир шароитда ҳар бир меҳнат коллективи иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлибгина қолмай, балки ўз равнақини ҳам таъминламоғи даркор. Бугунги кунда иқтисодий билимлар ҳаммамиз учун зарурдир. Шундай билимларсиз ҳеч нарса қила олмаймиз.

«Экономическая газета»ни қайта ташкил этиб, мазмунан кенгайтиришдан мақсад уни янги иқтисодий билимларга муҳтож бўлган кенг газетхонлар оммаси учун тушунарли қилиш, шунингдек, қайта ташкил этилаётган халқ хўжалигида партия ва давлат ўтказаётган социал-иқтисодий сиёсатнинг мақсад ва вазифаларини кишилар онгига тўлароқ етказиб беришдан иборатдир.

— Газетани туб иқтисодий ислоҳот органи сифатида ривожлантириш йўллари қандай?

— «Экономическая газета» — саноат доиралари учун жаҳондаги энг оммавий газетадир. Ғарбдаги машҳур ҳафталик газеталарнинг тиражлари 30-60 минг нусхани ташкил этаётган бир пайтда бизнинг газетамиз 750 минг нусхада чоп этилянти. Бу зиммамизга кўп вазифаларни юклайди. Газетамиз амалда ислоҳот ойнаси ҳисобланади ва шу боис у жамиятда рўй бераётган барча жараёнларни акс эттириши, қаерда иш яхши силжиётгани, қайси бир жойда депсиниб қолаётганини кўрсатиб бериши, қайта қуришни қандай авж олдириш мумкинлигини холисона ва амалий ёритиши керак.

Бугунги кунда газета ўргатади ва ўрганади. Бу ишимизда энг муҳим жиҳатлардан биридир. Ҳозир мамлакат хўжалик турмушида қандай воқеалар рўй бераётгани, улар қаерда ва қай тарика кечаётгани ҳақида мулоҳаза юритяпмиз. Тажрибалар умумлаштирилиб, таҳлил этиляпти, ислоҳотнинг бундан буёнги йўллари муҳокама қилинмоқда. Майда-чуйда масалалардан энг йирик масалалар шаклланади. Биз қандай жамиятни қурдик? Социалистик ишлаб чиқаришнинг табиати қанақа? Қайта қуриш ғояларини амалга ошириш учун иқтисодий базисни қай тарзда ўзгартириш мумкин? Ана шундай катта муаммоларни муҳокама қилиш пайтида туб иқтисодий ислоҳотнинг иккинчи босқичида юзага келадиган айрим кичик муаммоларга жавоблар топилади. Қимматбаҳо қоғозлар социалистик бозорини шакллантириш, чакана савдо қўшма корхоналарини ривожлантириш имкониятлари тўғрисидаги хулосаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Бугунги кунда газетамиз ёритиши керак бўлган энг асосий масалалардан бири — бу социал адолат масаласидир. Аввало социал адолат нима эканлигига жавоб топиш лозим. Социал адолат номи билан инқилоблар ҳам, аксилинқилоблар ҳам амалга оширилган. СССР халқ депутатларининг съездида депутатлар кўп соҳаларда социал адолатни тиклаш ташаббуси билан чиқдилар. Бироқ буларнинг ҳаммасига пулни қаердан олиш керак, деган савол туғилади. Зеро, бунинг учун триллион сўмлаб маблағ керак. Демак, қандайдир бир масалани биринчи навбатда ҳал этиш, қайсидир бир масалани «эртага» қолдиришга тўғри келади. Қандай муаммоларни энг муҳим деб белгилаш керак? Буни аниқлаш ҳам осон эмас...

Ҳозирги кунда социалистик мулк шакллари ранг-баранг эканлиги тан олинянти. Аммо мулк шакллари ҳар хил бўлгач, манфаатлар ҳам турлича бўлади. Социал адолат тушунчасини ҳар ким ўзича тушунади. Кооператор, ижарачи, давлат сектори ходими учун турлича тушунчалар юзага келади. Биз соғлиқни сақлаш, маданият, халқ маорифи, ҳатто яширин экономиканинг ҳам ана шундай жиҳатлари бор...

Газетамизнинг қиёфаси, унинг мазмуни ҳам ана шундан келиб чиқади: иқтисодий ислоҳотни аслида моҳиятан амалга ошириб бўлиши ҳақида сўз юритамиз.

— Ҳар қандай нашр ҳам илгари сурган ғоллари ўз эгаларига зудлик билан етиб бориши учун, у ёки бу таклифлари қандай баҳоланаётгани, уни рўёбга чиқаришнинг қандай йўллари борлигини аниқлаб олиш учун омма билан алоқага эҳтиёж сезади. Бу борада сизларда муаммолар борми?

— «Экономическая газета»да бу борада муаммолар йўқ, деб айта оламан. Акс ҳолда мазкур органга ҳожат қолмаган бўлур эди. Ҳозир биз омма билан алоқада янгича йўл тутяпмиз — газетхон билан доимий мулоқот олиб боряпмиз. Ислоҳот жараёнида юзага келаётган амалий масалалар олға сурилган хатлар учун газетамизнинг ҳар бир сонидан қўш саҳифа ажратилмоқда. Ижара ҳақини қандай белгилаш керак? Нима учун сотувда совун йўқ? Ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашишни қандай бартараф этиш мумкин? Шу ва бошқа кўплаб муаммоларни энг юқори малакали мутахассислар шарҳлаб беришади. Аслида эса газетанинг ҳар бир сони — газетхон билан мулоқотнинг бир қисми. Биз газетхонларга, газетхонлар эса бизга мурожаат қилишади. «Биз бундан буён қай тарзда яшашимиз керак?» деган масала юзасидан қизғин муҳокама, мунозара бўлянти. Барча хатларни ҳам эълон қилиш имконияти йўқ, албатта. Бироқ агар гап энг муҳим нуқтаи-назарлар хусусида борса, масала кескин, қизиқарли қилиб, янгича қўйилса, унда ҳар бир газетхон янги газетани бемалол ўзининг минбарига айлантириб олишдан умид қилиши мумкин.

— Бу йил Ўзбекистонда 18 миллиондан знёд аҳоли лиц этилянти, ислоҳотнинг бундан буёнги йўллари муҳокама қилинмоқда. Майда-чуйда масалалардан энг йирик масалалар шаклланади. Биз қандай жамиятни қурдик? Социалистик ишлаб чиқаришнинг табиати қанақа? Қайта қуриш ғояларини амалга ошириб бўлиши учун иқтисодий базисни қай тарзда ўзгартириш мумкин? Ана шундай катта муаммоларни муциал зиддият ҳам пасаймай, аксинча ошиб бормоқда, деяпмиз. Нима учун шундай бўлмоқда? Буларнинг ҳаммасига жавоб топиш лозим. Аммо иқтисодий негизи бўлмаган бирор бир муаммо йўқ. Соғлиқни сақлаш, маданият, халқ маорифи, ҳатто яширин экономиканинг ҳам ана шундай жиҳатлари бор...

— Ҳар қандай нашр ҳам илгари сурган ғоллари ўз эгаларига зудлик билан етиб бориши учун, у ёки бу таклифлари қандай баҳоланаётгани, уни рўёбга чиқаришнинг қандай йўллари борлигини аниқлаб олиш учун омма билан алоқага эҳтиёж сезади. Бу борада сизларда муаммолар борми?

— «Экономическая газета»да бу борада муаммолар йўқ, деб айта оламан. Акс ҳолда мазкур органга ҳожат қолмаган бўлур эди. Ҳозир биз омма билан алоқада янгича йўл тутяпмиз — газетхон билан доимий мулоқот олиб боряпмиз. Ислоҳот жараёнида юзага келаётган амалий масалалар олға сурилган хатлар учун газетамизнинг ҳар бир сонидан қўш саҳифа ажратилмоқда. Ижара ҳақини қандай белгилаш керак? Нима учун сотувда совун йўқ? Ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашишни қандай бартараф этиш мумкин? Шу ва бошқа кўплаб муаммоларни энг юқори малакали мутахассислар шарҳлаб беришади. Аслида эса газетанинг ҳар бир сони — газетхон билан мулоқотнинг бир қисми. Биз газетхонларга, газетхонлар эса бизга мурожаат қилишади. «Биз бундан буён қай тарзда яшашимиз керак?» деган масала юзасидан қизғин муҳокама, мунозара бўлянти. Барча хатларни ҳам эълон қилиш имконияти йўқ, албатта. Бироқ агар гап энг муҳим нуқтаи-назарлар хусусида борса, масала кескин, қизиқарли қилиб, янгича қўйилса, унда ҳар бир газетхон янги газетани бемалол ўзининг минбарига айлантириб олишдан умид қилиши мумкин.

— Бу йил Ўзбекистонда 18 миллиондан знёд аҳоли бор-йўғи 21 минг нусха «Экономическая газета»га обуна бўлади. Сиз бу рақамни қандай шарҳлайсиз?

— Ўйлайманки, буни алоҳида шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Нашримизнинг у ёки бу региондаги газетхонларга етиб борадиган тиражи, бу — айтиш мумкинки, ўша жойдаги туб иқтисодий ислоҳот қўламини кўрсатиб берувчи ўлчагичдир. Мабодо, бирор бир регионга ислоҳот етиб бормаган ёки ҳали тўла авж олмаган бўлса, ўша жойда газетага ҳам эҳтиёж бўлмайди.

Иқтисодий билимларни эгалламай, иқтисодий муаммоларни ечиш йўлларини билмай туриб ислоҳотни амалга ошириб бўлмайди. Демак, одамларнинг иш ҳақи кам бўлади, хўжалик ҳисоби шароитида ҳам текисчиликка йўл қўйилаверади, коллектив сусткашлик юзага келади. Агар меҳнат коллективлари чинакамига иштиёқ билан ишлашни, яхши ва мазмунли турмуш кечиришни ва шунга мувофиқ тарзда ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни истасалар, улар албатта жамиятда юзага келаётган илғор усулларни қўллаш имкониятини тополадилар. Бунинг учун лозим бўлса директорни ҳам, иқтисодчиларни ҳам, бутун маъмуриятни ҳам алмаштирадилар. Сусткашликка йўл қўйиладиган замонлар ўтиб кетди. Мамлакатда социал норозилик тўлқини кўтарилмоқда. Ўтган йили ва бу йил юздан знёд иш ташлашлар қайд этилди, уларда 10 минглаб кишилар қатнашди. Одамлар бундан буён эскичасига яшашни хоҳламаяптилар. Аммо янгичасига яшаш учун нималар қилиш лозимлигини билиш керак. Иш ташлашлар жойларда кишиларнинг кўмакка муҳтож эканликларидан, аммо улар мавжуд иқтисодий соғломлаштириш омилларини билмасликлари ҳамда ахборотнинг етишмаслигидан далолат берди. Ва аксинча, иқтисодий билимдонлик билан иш юритилаётган жойларда катта самарага эришилмоқда. Иқтисодий ислоҳот бутун мамлакат учун ягона ва айни вақтда ҳар бир корхона учун ўзига хосдир.

«Экономика и жизнь» редакцияси ҳозирги ҳафталикдан эстафетани қабул қилиб олар экан, газетанинг одамлар қадрлайдиган барча анъаналарини давом эттиради ва янада бойитади, деб ўз обуначиларини ишонтиради.

Суҳбатни В. ПУРГИН олиб борди.

● «Обуна—90»

ТЕЛЕҲАФТАЛИК

2 октябрь, душанба

ЎзТВ-I. 11.30 Физика. 12.00 Телефильмлар. 13.00 «Биринчи комсомол қиз». Бадиий фильм. 17.00 Кинопрограмма. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.45 Ватутда сакраш. Ўзбекистон чемпионати. 19.15 Ёшлик. 20.00 Ахборот. 20.15 Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофотига номзодлар. 21.00 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Афоня». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Дўзахда якшанба куни» Бадиий фильм. 11.10 Фильм-концерт. 11.55 Йил фасллари. 16.05 Шаҳар куйи. 16.35 Ҳужжатли фильмлар. 17.20 Мультфильм. 17.30 Болалар соати. 18.30 Биз ва экономика. 19.15 Кичик концерт. 19.30 Бокс. Жаҳон чемпионати. 21.30 Время. 22.05 Босқичлар. 23.35 Футбол шарҳи. 00.05 Дунё воқеалари. 00.20 Руснн билиш ва севиш даври келди.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Адабиёт. 10.05 Итальян тили. 11.05 Сиз яратган боғ. 11.35 Тарих. 12.05 Бу дунёни қаяжонлантирмоқда. 13.10 «Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью». Бадиий фильм. 14.45 Ҳужжатли фильм. 18.25 Янгиликлар. 18.35 Волейбол. 19.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.45 Халқ оҳанглари. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

3 октябрь, сешанба

ЎзТВ-I. 11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.00 Телефильм. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.00 «Афоня». Бадиий фильм. 17.00 Фильм-концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильмлар. 18.40 Иқтисодий билимлар мактаби. 19.15 Экология муаммолари. 19.45 Ёшлик. 20.00 Ахборот. 20.20 Сиҳат-саломатлик. 20.55 «Деҳқоним менинг». Музикали программа. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб дамлар қадри. 22.45 Драматик актёрлар куйлайди.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Ҳужжатли фильм. 10.25 Фильм-концерт. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.25 Концерт. 11.55 Ҳужжатли фильм. 12.30 Болалар соати. 13.30 Бу бўлган, бўлганди... 16.05 Ҳужжатли фильм. 16.40 Телевизион журнал. 17.10 Ҳужжатли фильм. 17.40 Бор бўл, музика. 18.25 Ҳужжатли фильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильмлар. 19.40 Ҳужжатли фильм. 20.15 Халқ оҳанглари. 20.30 Актуал интервью. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Оператив маълумотларга кўра. 22.15 «Дарвиш». Бадиий фильм. 23.55 Дунё воқеалари. 00.10 Фидойи шахслар.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 Француз тили. 10.25 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Француз тили. 11.35 Музика. 12.05 Контакт. 13.05 «Одамлар ва дельфиилар». Бадиий фильм, 1-фильм. 14.10 Ҳужжатли фильмлар. 14.30 Ритмик гимнастика. 18.05 Янгиликлар. 18.15 Такрорий телефильмлар. 19.20 Хоккей. «Динамо» — «Спартак». 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

4 октябрь, чоршанба

ЎзТВ-I. 17.00 Кинопрограмма. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.40 Камалак. 19.25 СССР ва ГДР иқтисодчилари XIV кенгашининг иши ҳақида. 20.00 Ахборот. 20.20 Қардош халқлар иттифоқи. 20.50 Рақслар гулдастаси. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб интервью. 22.40 Фильм-концерт.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Лочин парвози». Бадиий фильм. 1-серия. 10.15 Бор бўл, музика! 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 Камалак. 12.30 Босқичлар. 16.05 Музикали хазина. 17.05 Ҳужжатли фильм. 17.25 Болалар соати. 18.25 Ҳужжатли фильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильм. 19.50 Ҳалқ ижодиётининг III Бутуниттифоқ фестивали ҳақида. 20.20 «Лочин парвози». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.05 Актуал интервью. 22.15 Концерт. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Мастер портрети.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Табиатшунослик. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 Биология. 12.05 Янгиликлар. 13.05 «Одамлар ва дельфиилар» Бадиий фильм, 2-фильм. 14.25 Ҳужжатли фильм. 15.00 Ҳалқ чолғу орқестрлари ижро этади. 15.25 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси. 18.10 Телефильмлар. 19.30 Мультфильм. 19.50 Фильм-концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Бу ғаройиб Бельканто. 21.30 Время. 22.05 «Ваня тога». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар.

5 октябрь, пайшанба

ЎзТВ-I. 11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 12.00 Телефильм. 12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 13.00 «Солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм. 17.00 Ҳужжатли кино экрани. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Теннис. 18.55 Ёшлик. 19.30 Партия турмуши. 20.00 Ахборот. 20.20 Ҳозиржавоб адабиёт. 20.50 Музикали программа. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб дамлар қадри. 22.45 «Довондаги олишув». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Лочин парвози». Бадиий фильм, 2-серия. 10.10 Мультфильмлар. 10.40 Ҳужжатли фильм. 11.30 Болалар соати. 12.30 Ужгороддан кўрсатилади. 13.00 Киноафиша. 16.05 Музика ҳам биз билан. 16.35 Ҳужжатли фильмлар. 17.10 Болалар учун фильм. 18.45 Ҳокимият — Советларга. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Шеърият лаҳзалари. 20.20 «Лочин парвози». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.05 Концерт. 23.35 Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35 Адабиёт. 12.05 Янгиликлар. 13.05 «Одамлар ва дельфиилар». Бадиий фильм. 3-серия. 14.05 ва 15.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Ҳужжатли фильм. 18.10 «Одамлар ва дельфиилар». Бадиий фильм, 3-серия. 19.10 Мультфильм. 19.30 Информацион программа. 20.00 Сиз яратган боғ. 20.30 Хайрли, тун кичкинтойлар! 20.45 Бадиий гимнастика. 21.30 Время. 22.05 «Сирли йўловчи». Бадиий фильм.

6 октябрь, жума

ЎзТВ-I. 17.00 Фильм-концерт. 17.30 Физиотерапевтлар студиямиз меҳмони. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.45 Ороллбўйи муаммолари. 19.20 Учрашув. 20.00 Ахборот. 20.20 Музикали программа. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб мавзу. 22.40 Совет киноси усталари.

МТ-I. 7.00 «120 минут» 9.05 «Лочин парвози». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 11.15 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 12.00 Фильм-концерт. 16.05 Марковский оқшомлари. 16.35 Болалар учун фильм. 17.55 Дин ва жамият. 18.25 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Реклама. 20.00 Мультфильм. 20.10 Н. Соловьев куйлайди. 20.20 «Лочин парвози». Бадиий фильм, 4-серия. 21.30 Время. 22.05 Актуал интервью. 22.15 «Лочин парвози». Бадиий фильм, 5-серия. 23.20 Бу бўлган, бўлганди... 23.40 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 А. С. Пушкин. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 А. С. Пушкин. «Дубровский». 12.05 Янгиликлар. 13.05 «Одамлар ва дельфиилар». Бадиий фильм, 3-фильм. 2-қисм. 14.10 Ҳужжатли фильм. 14.30 Ритмик гимнастика. 15.00 Пятигорскдан кўрсатилади.. 15.30 Киноафиша. 17.45 Янгиликлар. 17.55 Ритмик гимнастика. 18.25 «Одамлар ва дельфиилар». Бадиий фильм, 3-фильм, 2-қисм. 19.30 Информацион программа. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Тақдир ва китоблар. 00.30 Янгиликлар.

7 октябрь, шанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Адабий ўқиш. 10.45 Муаммо билан юзма-юз. 11.45 Ҳужжатли экран. 12.45 Ёшлик. 13.15 Илғор тажриба мактаби. 13.45 Мафтунингман, Косонсой» 14.25 Деҳқон ва замон. 18.00 Болалар учун фильм. 18.30 Тенгдошлар. 19.15 Санъат оламида. 20.00 Ахборот. 20.20 Янгича тафаккур. 20.50 Музикали программа. 21.30 Время 22.05 Ахборот. 22.25 «Ахборот» танқид қилади. 22.35 Пахтакорлар учун кечки музикали программа.

МТ-I. 8.30 СССР халқларининг қўшиқлари. 9.00 Сиз яратган боғ. 9.30 Концерт. 10.05 Инсон. Ер. Коинот. 11.05 ГДР телевидениесининг программаси. 12.35 Фотоконкурс. 12.40 Дунё воқеалари. 12.55 Бузилмас ҳарбий қардошлик... 13.55 Шеърият лаҳзалари. 14.00 Социализм мамлакатларида. 14.30 Ҳайвонот оламида. 15.30 Дўстлик меридианлари. 16.35 Болалар учун фильм. 18.10 Халқаро панорама. 19.10 Режиссёр Л. Пчелкин фильмлари. 21.30 Время. 22.05 Актуал интервью, 22.20 Алла Баянова концертида.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Янги кулбада байрам. 10.15 Мультфильмлар. 10.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 11.15 Информацион программа. 12.15 Тарасининг йўллари. 13.45 «Витя Глушаков — апайчилар дўсти». Бадиий фильм. 15.00 Образ. 16.15 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 17.00 Бадиий гимнастика. 17.50 Янгиликлар. 18.00 Илмий-оммабоп программа. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 «Пи» белгиси билан. 21.30 Время. 22.05 Концерт. 22.30 Хоккей.. 23.10 Янгиликлар. 23.15 Хоккей.

8 октябрь, якшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Оила даврасида. 11.00 Биргаликда куйлаймиз. 11.30 «Ғолиб чиқиш аниқ». Бадиий фильм. 12.50 Спорт программаси. 13.50 Ёшлик. 14.10 Зомин замини 14.30 Портретга чизгилар. 15.35 Реклама. 18.00 Мультфильм. 18.30 Санъат ғунчалари. 19.00 Ота-оналар университети. 19.30 Дарахт ва унинг новдалари. 20.00 Ахборот. 20.20 ЎзССР Ички ишлар министрлигининг матбуот марказида. 20.30 Телефильмлар. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Магистраль». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тоҳтги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Мультфильм. 13.45 Нигоҳ. 14.45 Музикали киоск. 15.15 Здоровье. 16.00 Камалак. 16.30 Катталар ва болалар. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Давлат хавфсизлиги учун керак. 19.35 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Врач психотерапевт А. М. Кашпировскийнинг саломатлик сеансларн. 23.05 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашуви.

МТ-II. 8.30 Заряддкага сафланинг. 9.45 «Тўқайзор». Бадиий фильм. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.10 Мультфильм. 11.30 Акс садо. 11.45 С. Пятничко куйлайди. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Украина ССР Давлат телерадиоси. 12.30 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 14.30 Бадиий гимнастика. 15.25 МТ фондидан. 17.25 СССР ИИМ хабар қилади. 17.35 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 18.35 Ҳужжатли фильм. 19.25 Музикали абонемент. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 Киносерпантин. 21.30 Время. 22.05 Киносерпантин. 00.50 Янгиликлар.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ
1989-1990 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга тўлиқ ўрта маълумотли, ёши 34 дан ошмаган, халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги илғор ишчилар, колхозчилар (камида икки йил иш стажига эга бўлган) СССР Қуролли Кучлари сафларидан истеъфога бўшатилган ҳарбий хизматчилар корхоналар, ташкилотлар ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмалари билан қабул қилинадилар.

«Бухгалтерлик ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва анализ қилиш» ихтисоси бўйича ўқишга ҳисоб-китоб ва назорат ишида банд бўлган, мазкур ихтисослик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлган кишилар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (белгиланган тартибда «Ҳозирги кунда ишлаб турибди» деган ёзув битилиб аниқ сана кўрсатилиб тасдиқланган), 6 дона фотосурат (3×4 см.), саломатлиги ҳақида медицина справкаси (086/У форма).

Характеристиканинг бўлиши шарт эмас.

Паспорт ва ҳарбий хизматга тааллуқли ҳужжат шахсан кўрсатилади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА СУҲБАТЛАШИШ НАТИЖАЛАРИГА ҚАРАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Асосий касб фанлардан суҳбат ўтказилади:

«Умумий овқатланиш маҳсулотлари технологияси» ихтисоси бўйича химия ва физикадан;

«озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги», «ноозиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги» ихтисосликлари бўйича химия ва математикадан;

«бухгалтерлик ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш», «савдо ва умумий овқатланиш экономикаси ва уни бошқариш» ихтисосликлари бўйича —математикадан ва СССР тарихидан.

АРИЗАЛАР — 1 ОКТЯБРДАН 18 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

СУҲБАТ ВА КУРСГА ҚАБУЛ — 20 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА.

МАШҒУЛОТЛАР 1989 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Тингловчиларга стипендия тўланади, бошқа шаҳарлардан келганлар имконият қараб ётоқхона билан таъминланади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА ТАЪЛИМ КУРСИНИ ТАМОМЛАГАН ВА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАН ТИНГЛОВЧИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНИСИЗ ИНСТИТУТНИНГ 1 КУРСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Институт адреси: 703000, Самарқанд шаҳри, Коммунистик кўчаси, 41-уй.

Справкалар юзасидан қуйидаги телефон орқали ҳам мурожаат қилиш мумкин: 3-17-61.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЎЙЛЛАШ МАРКАЗИ

ГОСКОМТРУД УЗССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ» трестининг ИХТИСОСЛАШГАН ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА:

мастерлар лавозимига кон техниклари, прораблар, 5—6 разряли БТС-150 бурғулаш мастерлари, 4, 5, 6-разрядли ер юзаси ишлари портлатувчилари, бурғулаш ускуналари бўйича механиклар, 4, 5, 6-разрядли автокранларнинг машинистлари, 4, 5, 6-разрядли бульдозерчилар «Е», «Д» категориядаги ҳайдовчилар, 5,6-разрядли экскаваторчилар.

Ишга қабул қилинганларга район коэффициенти ва ишнинг кўчма хусусиятига қараб тариф ставкасининг 50 проценти ҳажмида ҳақ тўланади.

Кам оналилар учун ётоқхона мавжуд, квартира билан эса навбатга туриш тартиби билан таъминланилади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти 6-уй ёки аҳолини ишга жойлаштириш Ҳамза район бўлими М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ҚАЙТАДАН ТУЗИЛДИ

Унинг асосида: ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ МАСАЛАЛАР ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҳамда ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРЛИГИ ташкил топди.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресларга билдирилиши мумкин: 700064, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 20 «а» уй; 700195, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй.

«ЎЗСАРФИЛЬМ» ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУАЛЛИФЛИК КИНОКОНЦЕРТ ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИЙЕР ШАҲРИДАГИ «ЦЕЛИННИК» СТАДИОНИДА

30 СЕНТЯБРЬ СОАТ 17.00 ДА ХУШОВОЗ ХОНАНДА Одил КАРИМОВ иштирокида

«ПАРВОЗ» АНСАМБЛИНИНГ **КОНЦЕР